VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

32 (404) ● 2016 йил 17 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП лойиҳаси доирасида самарқандлик 16 касб-ҳунар битирувчисига жами 416 миллион сўм кредит ажратилди

XXXI ёзги Олимпия баҳсларида терма жамоамиз 2 олтин, 4 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 27-ўринда бормоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши қошида "Ёш ихтирочилар" уюшмаси ташкил этилди

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ЎзМТДП ташкилотларида

Самарали фаолият — муваффақият гарови

кенгайтирилган йиғилишларда камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, фаолият самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш, партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар, партия вилоят кенгашининг 2016 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва навбатдаги фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

— Мустақиллик юртимизни қарамлик кишанларидан озод қилди, халқимиз ҳаёти маъно-мазмунини тубдан ўзгартирди, — деди партия етакчиси. — Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бекиёс имкониятларни очиб берди. Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан юксалиб бораётир.

> 4-бет.

Миллий ғурур

Ватан шаънини улуғлаш — энг буюк бахт

"Ватанимиз байроғини Олимпия ўйинларида сарбаланд кўтарганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Менинг ғалабам — бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Биз, ёшлар, озод ва обод юртда туғилиб вояга етганлигимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан мусобақага чиқаётганимиздан доимо фахрланамиз".

Бу, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида ғолиб чиқиб, олтин медалга сазовор бўлган ўзбек ўғлони Ҳасанбой Дўстматовнинг дил сўзлари.

> 6-бет.

Ушбу сонда:

Маҳалла — ноёб институт

> 6-бет.

"Янги аср" глобал маркази



> 7-бет.

Мафтункор чизгилар устаси

> 8-бет.

Партия лойиҳаси — амалда

Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида

онлайн саёҳат лойиҳаси юртимиз бўйлаб давом этмоқда

Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз тарихи, маданияти бор. Агар бу тарих қанчалик қадимий, маданият бой бўлса ва буни ўша халқ билса, ҳис қилса, миллатнинг бугуни фаровон, истиқболи порлоқ бўлади.

Юртимизда истиқлол шарофати билан маданий мерос объектларини асраш, консервациялаш, қайта тиклаш, тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмасига, ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Сўнгги йилларда туризм инфратузилмасини изчил ривожлантириш ва ички туризмни тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида янги сайёҳлик маршурутлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларида зарур шароитлар яратилмоқда.

Янгибозорда янги сайёҳлик маскани

ЎзМТДП гуруҳи иштирокида ташкил этилади

Ўзбекона беғрикенглик ва меҳмондўстлик, замонавий инфратузилма, меҳмонхона ва дам олиш масканларида йўлга қўйилган юқори сифатли хизматлар сайёҳларнинг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳудудларнинг туризм йўналишидаги мавжуд имконият ва салоҳиятидан янада кенг фойдаланиш, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоғини изчил ривожлантириш ва шарт-шароит яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Хоразм — ўзбек давлатчилигининг илк тамал тоши қўйилган муқаддас замин саналади. Бу кўҳна юртдан не-не буюк алломалар, қомусчи олимлар, авлиёлар етишиб чиққан. Дунё сайёҳларининг бунёдкор боболаримиз ижод маҳсули бўлган осори атиқалар, осмонўпар нилий гумбазлар, минора-ю мадрасаларни кўришга бўлган қизиқиши ошиб бормоқда. Масалан, 2015 йилда вилоятга 80 дан ортиқ давлатдан 41 мингдан зиёд сайёҳ келган.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
32 (404) 2016 йил 17 август, чоршанба

Партия лойиҳаси — амалда

Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида

онлайн саёҳат лойиҳаси юртимиз бўйлаб давом этмоқда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бунда халқимизнинг тарихи, бой маданий мероси, миллий қадриятларини ўзида мужассам этган ва аждодларимиз даҳоси билан бунёд этилган меморчилик обидалари, тасвирий санъат ёдгорликлари, археологик топилмалар, муқаддас қаждамжоларимиз, осори атиқаларимизга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** шиори остида **"Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида"** янги онлайн саёҳат лойиҳаси ҳам моҳият эътибори билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Мазкур лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб давом этади. Ундан кўзланган асосий мақсад — умумжаҳон маданиятининг ноёб намуналари ҳисобланган, қайта тикланган моддий-маънавий меросимизни халқимиз, айниқса, ёшларимиз орасида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида кенг тарғиб қилиш, ёшларда бу бебаҳо тарихий ва маданий бойлигимиздан фахрланиш ҳиссини уйғотишдан иборат.

Нукус шаҳрида "Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" онлайн саёҳат лойиҳаси юзасидан брифинг бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова иштирок этди.

— Мамлакатимизда мустақиллик даврида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — деди Ф.Муҳаммаджонова. — Бунда маданий мерос объектларини қайта таъмирлаштиклаш, асл кўринишини сақлаб қолиш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида маданий ёдгорликларни нафақат асраш, балки янада бойитиш ҳамда кўпайтиришга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ушбу масалаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Юртимиз бўйлаб ташкил этилаётган онлайн саёҳатда ҳам мамлакатимиз тарихи, бой маънавий, маданий мероси, буюк алломаларимиз даҳоси ҳақида, айниқса, ёшларга кенг тушунча-маълумотлар берилади. Бу, ўз навбатида, ёш авлод вакилларида қадимий тарихимиз, аждодларимиз меросига ҳурмат ҳамда уларда миллий ўзликни англаш туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Онлайн саёҳат иштирокчилари Нукус шаҳридаги тарихий обидалар, табиат манзаралари, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейида қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи акс этган рангтасвир асарлар, халқ усталари яратган заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик, тўқимачилик ҳамда ўтов жиҳозлари билан яқиндан танишдилар.

— Юртбошимиз 2003 йилда музей янги биносининг тантанали очилиш маросимида шахсан иштирок этиб, музейнинг эсдаликлар китобида қорақалпоқ халқи бу бетакрор музей билан ҳақли равишда фахрланса арзийди, дея самимий тилакларини ёзиб қолдирган, — деди музей амалий санъат бўлими мудири Ойгул Пирназарова. — Ушбу санъат масканида ноёб экспонатлар билан яқиндан танишган ҳар қандай кишида юртга муҳаббат, аждодлар хотирасига ҳурмат, истиқлолга шукроналик ҳисси уйғониши шубҳасиз.

Онлайн саёҳат иштирокчилари Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети, Хўжайли туманидаги XII-XIV асрларга тегишли "Назлимхан сулув" тарихий мажмуаси, VII-VIII асрларга оид "Гауир қалъа" тарихий қалъаси, Султон Увайс бобо мажмуида ҳам бўлдилар.

Фазилат АБДУЛЛАЕВА,
"Ёшлар қаноти" фаоли:

— "Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" онлайн саёҳат лойиҳаси воситасида жуда кўп янги маълумот ва тушунчаларга эга бўлдик. Айниқса, Султон Увайс бобо мажмуасига саёҳат катта таассурот қолдирди, у ҳақдаги тасаввурим янада бойиди. Ушбу мажмуа Беруний тумани ҳудудидаги ноёб меъморий ёдгорлик ҳам саналади. У 2015 йилда қайта реконструкция қилинган. Сахро ўртасида жойлашган Султон Увайс бобо мақбараси халқимиз учун нафақат азиз қадамжо, балки сайёҳлик маркази ҳамдир. Бу ердан аҳоли ва сайёҳларнинг қадами узилмайди.

Ушбу янги лойиҳа моддий-маънавий меросимизни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида кенг тарғиб қилишга қаратилган.

* * *

Хоразм ўзининг ноёб ва бетакрор тарихий обидалари билан дунё халқларини мафтун этиб келаётган вилоятларимиздан.

"Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" онлайн саёҳати Хива шаҳрида давом этди.

Мамлакатимизда тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга алоҳида аҳамият берилаётир. Хоразм вилоятида ҳам истиқлол йилларида улуғ алломалар, юртимиз тарихи ва халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк сиймолар номи билан боғлиқ ўнлаб муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар обод этилди.

Вилоятда икки юз эллик бешта қадимий меъморлик ва санъат ёдгорлиги мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари ЮНЕСКО муҳофазасига олинган тарихий объектлар рўйхатига киритилган. Ана шу тарихий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва ҳолатини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Айни пайтда қадимий Хоразм маданий мерос объектларининг ягона реестри яратилиб, ҳар бирининг жорий ҳолати бўйича паспорти, маданий-тарихий аҳамияти акс этган ахборот – маълумот базаси яратилди. Чодир ҳовли, Отажон тўра, Полвон қори мадрасалари, Тўрт шоввоз, Нуруллабой мажмуалари, Хива Дишон қалъасининг "Боғи шамол" дарвозаси, Янгиариқ туманида "Катта боғ кулолчилик устахонаси", "Сулаймон қалъа", ўрта асрларга оид Музхона каби қирқдан ортиқ маданий мерос объекти қайта тикланиб, хорижликлар ҳайратини оширмоқда.

— Илгари сайёҳлар асосан Хивани томоша қилишга келган бўлса, бугун бутун вилоят бўйлаб саёҳат қилмоқда, — дейди Урганч давлат университети ўқитувчиси Умид Абдалов. — Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида ҳудуддаги барча тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар обод бўлди. Улардан бири — Ичан-қалъа мажмуаси. Ҳозирги пайтда ушбу ҳудудда жаҳон маданиятига молик 54 тарихий-меъморий обида мавжуд.

Ичан-қалъа шаҳристони ўзига хос яхлит меъморий иншоотлардан иборат бўлиб, баланд пахса девор билан ўралган, тўрт дарвоза тўрт томонга қаратиб қурилган. Девор айланасининг узунлиги қарийб 2200 метргача, баландлиги 7-8 метрга, тагзамининг қалинлиги эса 5-6 метрга тенг. Ичан-қалъа тўғри тўрт бурчак шаклида қурилган бўлиб, узунлиги 650 метр, эни 400 метр, яъни 26 гектар майдонни эгаллайди.

Онлайн саёҳат иштирокчилари Хива шаҳридаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислом Хўжа мадрасаси, Хоразм амалий санъат музейида бўлдилар.

Партиянинг "Facebook" ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан:

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши: *ЎзМТДП Марказий кенгаши сайтида янги лойиҳа — онлайн саёҳатда ҳар бир ҳудудга хос бўлган либослар ҳам намойиш этилаётгани эътиборга молик. Либос нафақат инсоннинг кўрки, зийнати, балки миллат, халқ ёҳуд муайян ҳудуднинг тимсоли ҳамдир.*

Зафар Алланов: *Онлайн саёҳат лойиҳасини mi.uz орқали мунтазам кузатиб боряпмиз. Тарихий обидаларимиз қайта тикланиб, янада чирой очгани, ўз бағрига саёҳатчи ва зиёратчиларни чорлаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, истиқлол неъматидир.*

Шерзод Холматов, ЎзМТДП Миробод туман кенгаши етакчи мутахассиси: *"Ким эдигу ким бўлдик?" шиори доирасида тақдим этилаётган фотосуратларни бир-бирига таққослаш орқали мустақиллик берган имкониятларга яна бир бор яққол гувоҳ бўляпмиз.*

Азизбек Хўжаев: *Истиқлол сабаб мамлакатимиз кун сайин чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Ушбу неъматнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.*

Илхом Ражабов, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши жамоаси номидан: *Ушбу лойиҳа миллий бойлигимиз — маданий мерос объектлари билан яна бир бор яқиндан танишиш имконини бермоқда.*

— Ушбу лойиҳа ёшларимизга мустақилликнинг нечоғлик улуғ неъмат эканлигини янада теран тушунтириши, улар қалбида маданий меросимизга муҳаббатни ошириши, ўзликни англаш туйғусини ўстириши билан аҳамиятлидир, — деди партия Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Бекзод Зарипов. — Партиямиз фаолларининг ижтимоий тармоқлар орқали мазкур онлайн саёҳат хусусида билдираётган фикрлари ҳам фикримизни тўла тасдиқлайди. Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ЎзМТДПнинг тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш борасидаги дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган.

Иштирокчилар Хазорасп туманида қарийб 2700 йиллик тарихга эга бўлган қадимий Сулаймон қалъага ҳам саёҳат уюштирди. Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий қадамжоларни ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бой маданий меросимизни пухта ўрганиш ва кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчилари Сулаймон қалъа тарихий ёдгорлиги атрофида партия "Ёшлар қаноти" фаоллари олиб борган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан таништирилди.

— Ўзбекистон Республикасининг "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни юртимиздаги ноёб тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда асосий ҳужжат ҳисобланади, — деди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Абдулла Матчонов. — Ёшларга юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самаралари билан бирга, қадим маданиятимиз ҳақида маълумот бериш мақсадида ташкил этилаётган бундай тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир доирасида намойиш этилган миллий ҳунармандлик намуналари кўргазмаси, айниқса, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

* * *

Бухоро ўзининг бой номоддий мерос объектлари – кўп асрлик осори-атиқалари, ноёб меъморий обидалари, ҳунармандчилиги, дунё илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган алломалари билан машҳур.

"Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" онлайн саёҳати олдидан Бухорода ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Анжуманда ЎзМТДП Марказий кенгаши девони бош мутахассиси Акбар Жиянов ва бошқалар ушбу лойиҳада нафақат партия аъзолари, балки истиқлол йилларида қайта таъмирланган ва тикланган тарихий қадамжолар, муқаддас масканлар ҳамда маданий мерос объектларига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади.

Бухоро бўйлаб давом этган онлайн саёҳатни иштирокчилар дастлаб ислом оламининг улуғ намоёндаси Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлашди.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи одамларидир". Бу кўҳна замин фарзандлари буюк яратувчилик ишлари ва ғояларидан жаҳон илм-фани, маданияти, маънавияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Улар орасида номлари тарих саҳифасига зарҳал ҳарфлар билан битилган Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломалар бор.

— Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли мустақилликнинг дастлабки йилларидан вилоятимиздаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни обод этишга киришилди, буюк аждодларимизнинг номлари тикланди, — дейди партия вилоят кенгаши матбуот котиби Муслима Рўзиева. — Жумладан, истиқлолнинг илк давриданоқ Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Улуғ бобомиз мангу қўним топган маскан энг обод зиёратгоҳга, энг азиз ва гавжум қадамжога айланди. Унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш борасида истиқлол йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Саёҳат иштирокчилари Баҳоуддин Нақшбанд зиёратидан сўнг Бухоро шаҳридаги Ситораи Моҳи Хоса тарихий мажмуаси ҳамда Арк қалъасини бориб кўрдилар. Бухорога келаётган меҳмонларнинг бу ердаги меъморий обидалар, халқимиз миллий ҳунармандчилигига оид осори-атиқалар, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик мактаблари фаолияти билан яқиндан танишиши учун барча шароит яратилганига гувоҳ бўлишди.

Ситораи Моҳи Хоса тарихий мажмуаси олдида гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган товусларнинг ажойиб рақслари бу ерга келган ҳар қандай кишини ҳайрат ва гўзалликдан баҳраманд этади.

Дарҳақиқат, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу кўҳна шаҳар тилга олинганида, табиийки, унинг ўтмиши ва бой маданий меросидан гувоҳлик берувчи тарихий маркази кўз олдимизда гавдаланади.

Қадимий Арк қалъаси, Минораи Калоннинг қай бири тилга олинмасин, кўз олдимизда Бухоро рамзи гавдаланади. Арк қалъаси қадимда Бухоро шаҳрининг маркази ҳисобланган. Бухоро арки милоднинг бошларида қурила бошланиб, XVI асрда ансамбль ҳолига келган. Кўплаб меъморий ёдгорликларни ўзида мужассам этган кўҳна Арк қалъаси каби ноёб ёдгорликларни асраб-авайлаш, дунё аҳлига кўрсатиш ва келгуси авлодларга етказиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мадина САФАРОВА,
"Ёшлар қаноти" фаоли:

— Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган, инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги кураш кескинлашган бугунги замонда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний ғоялар билан қондириш, уларни юксак тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ўтказаётган ушбу янги лойиҳа биз ёшларга юртимиздаги муқаддас қадамжолар, маданий мерос объектлари ҳақида янгидан-янги маълумотлар билан танишиш, истиқлол туфайли тарихий обидалар, зиёратгоҳлар обод масканга айлангани, олдинги ҳолати билан бугунги кўринишларини қиёсий ўрганиш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

* * *

Ўзбекистондек ўтмиши бой, табиати рангбаранг мамлакат дунёда кам. Навоий вилояти ҳам бетакрор обидалари, муқаддас қадамжолари билан бутун дунёга машҳур. Истиқлол йилларида бу кўҳна ва ҳамиша навқирон замин янада чирой очди. Вилоятнинг Кармана туманидаги Қосим Шайх зиёратгоҳи, Работи Малик карвонсаройи, Нурота туманидаги "Чашма" тарихий меъморий мажмуаси, Навбаҳор туманидаги Сармишсой дараси ва ундаги петроглифлар ҳар бир сайёҳни мафтун этади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши, Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" фаолларидан иборат саёҳат иштирокчилари дастлаб Нурота туманидаги "Чашма" тарихий мажмуасини бориб кўрдилар. Мажмуа таркибидаги ўлкашунослик музейида сақланаётган экспонат ва ноёб буюмлар, туман тарихини акс эттирувчи фотосуратлар билан яқиндан танишиш жараёнида олинган маълумот ва фотосуратлар шу ернинг ўзидаёқ партиянинг "Facebook" ижтимоий тармоғидаги саҳифасига жойлаштирилди. Лойиҳа доирасида ташкил этилган миллий либослар кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Онлайн саёҳат иштирокчилари Нурота каштачилик мактаби вакили Шаҳодат Файзиева хонадонида бўлиб, нурота каштачилигига хос сўзана, дарпарда, ёстиқпўш ҳамда ёрқин ва бетакрор либосларнинг тайёрланиш жараёни билан танишдилар. Чеварнинг кўз нури, қалб қўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари лойиҳа иштирокчиларига жуда манзур бўлди.

— Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳалламиз миллий ҳунармандлик марказига айланиб бормоқда, — дейди Шаҳодат Файзиева. — Бу ёшларнинг аждодларимиз касб-корига бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-ҳунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Навбатдаги онлайн саёҳат Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган, кўҳна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга бўлди. Бунда ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётир. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши аждодларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

— Мамлакатимизда асрий анъаналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анора Бобомуродова. — Ушбу саёҳат давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждодлардан авлодларга эъзозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу лойиҳа табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлади.

Шундан сўнг онлайн саёҳат иштирокчилари Кармана туманидаги Қосим Шайх ёдгорлик мажмуаси томон йўл олди.

Қосим Шайх шахси ҳақида Ҳофиз Таниш ал Бухорийнинг "Абдулланома" асарида бир қанча маълумотлар келтирилган. Ушбу ёдгорлик шайбонийлар сулоласи вакили бўлган Абдуллахон II томонидан 1560 йилда бунёд этилган. Ёдгорлик мажмуаси ўнта бир-бири билан боғланиб кетган ҳужралар ва айвондан иборат. Ҳазрат Азизоннинг саганаси эса хонақоҳнинг шарқий томонида жойлашган.

Таъкидлаш жоиз, қурилиш ва меъморий тузилиши билан қимматли саналган ушбу ёдгорлик мажмуаси собиқ совет тузими даврида қаровсиз ҳолатда сақланган. Истиқлол шарофати билан бу меъморий обида ҳам қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Дастлабки қиёфаси сақланиб қўшимча бинолар қурилди. Бунинг натижасида мажмуа янги чирой очиб, ён-атрофи гулзорга айланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани сингари Навоий вилоятида ҳам халқимизнинг бой тарихи ҳақида қиҳоя қилувчи қадимий обидалар авайлаб сақланаётганлиги ҳамда миллий ҳунармандлик марказлари фаолият кўрсатаётгани мазкур ҳудудда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Бу юртдошларимизнинг ўлкамиз бой маданий мероси ва қадимий тарихи, шунингдек, истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гулҳаё РАВШАНОВА,
ЎзМТДП Нурота туман кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Ушбу лойиҳа ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш, туризм соҳасига қизиқишини оширишга хизмат қилади. Вилоятимиз, хусусан, Нурота туманидаги тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар, уларда олиб борилган ободонлаштириш ишларини яна бир бор кўриб, қалбимда чексиз фахр ва ифтихор туйғулари жўш урди. Қадим Нуротадаги "Чашма" тарихий мажмуаси бугун буткул янги қиёфага кирган. Бугун мажмуани зиёрат қилиш учун юртимиз ва дунёнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар бу ободлик, кўз қувнаб, кўнгил тўладиган манзаралар мустақиллик берган имконият, буюк аждодларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром ифодаси эканлигини таъкидлайди. Биз ёшлар эса уларга муносиб ворис бўлиш, эзгу ишларини давом эттириш масъулиятини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Алишер РАҲМОН,
Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Ташаббус натижа берди

Янгибозорда янги сайёҳлик маскани

ЎзМТДП гуруҳи иштирокида ташкил этилади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бироқ улар, асосан, воҳадаги тарихий иншоотлар, муқаддас қадамжолар, миллий ҳунармандчилигимиз намуналари ва бошқа маданий обидаларни томоша қилиш билан чекланмоқда. Ваҳоланки, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар талай.

Юртимиз, жумладан, Хоразм табиатининг ўзига хос ва бетакрорлиги жуда кўп экотуристик маршрутлар яратиш имконини беради. Ўзбекистонда юртимиз ва чет эллик сайёҳларни ўзига тортадиган гўзал табиат ландшафтлари, ноёб флора ва фауна, нодир,



дунё аҳамиятига молик археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар, дунёда кам учрайдиган геологик кесмалар мавжуд. Мамлакатимизда етти мингдан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорлик бор. 38 миллион гектардан ортиқ овчилик-балиқчилик ерлари, "Қизил китоб"га кирган ўтхўр ҳайвонларнинг 24, қушларнинг 48, судралиб юрувчиларнинг 10, балиқларнинг 18 тури мавжуд. Шунингдек, 78 турдаги умуртқасиз жониворлар, турли ўсимликларнинг 270 тури ҳам фақат бизнинг юртимиз ҳудудида учрайди. Бундан ташқари, 20 га яқин қўриқхона, бир неча боғ, экомарказлар фаолият кўрсатади. Бу эса юртимизнинг экотурзм салоҳияти нақадар юксак эканидан ёрқин далолат.

Айни шу жиҳатларни эътиборга олиб, халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи туманда экотуризмни янада ривожлантириш масаласини сессия муҳокамасига олиб чиқди.

Сессияда таъкидланганидек, Хоразм вилоятида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Хива туманидаги "Хива қоракўл" фермер хўжалиги, "Эшон Равот" кўли ҳамда Боғот туманидаги "Қалажиқ қалъа" масканларида янги сайёҳлик инфратузилмалари ташкил этилди. Бироқ туманларда бу борадаги ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Хусусан, вилоятдаги Қорақум кенгликларида саксовул, юлғун, қуёнсуяк ва қандим каби бутасимон ўсимликлар ўсади. Табиий кўллар атрофи ва кўлга яқин ерлар қамиш, қўға, янтоқ, шувоқ, буғдойиқ, ялтирбош, қумаржиқ каби ўт-ўланлар билан қопланган. Бу ҳудудда умуртқали ҳайвонлардан толой товушқони, тулки, қум мушуги, чиябўри, ҳар хил кемирувчилар, тўрғай, қорабовур, ёввойи каптарларни учратиш мумкин. Амударёнинг Урганч, Гурлан ва Янгибозор туманлари ҳудудидаги соҳилларида эса Бадайтўқай тўқайзори ястаниб ётади. Бу кичик ўрмондан ёввойи тўнғиз, бухоро ва эрон буғуси, малларанг тулки, шоқол, қўнғир қуён каби кўплаб жонивор ва қушлар макон топган. Бу ернинг иқлими, айниқса, ёз жазирамасида ниҳоятда мўътадил. Ана шундай сўлим гўшаларни сайёҳлик масканларига айлантириш масаласи эса ҳамон оқсаётгани таассуфланарлидир.

— Ушбу масалани сессияга олиб чиқишдан аввал партия гуруҳимиз туманнинг бу борадаги ҳолатини обдон ўрганди, — дейди халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Марҳабо Худойберганова. — Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлими 2016-2017 йилларда Янгибозор туманининг Чўболончи қишлоғи ҳудудидаги табиий кўллар атрофида сайёҳлик инфратузилмасини ташкил этиш ва уни сайёҳлик йўналишларига киритишни режалаштирган бўлса-да, лекин туристик база ташкил этиш учун ер танлаш ишлари ҳанузгача бошланмаган. Бунинг учун, энг аввало, сайёҳларга қулай шароит яратиш лозим бўлади. Масалан, миллий сўзаналар билан безатилган ўтовлар тикиш, экотуризмга оид турли кўнгилочар машғулотлар, хусусан, балиқ ови ташкил этиш сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Партия гуруҳимиз ҳудудни обдон ўрганиб, Амударё қирғоғига яқин тўқайзорда бир гектарга яқин ерни эгаллаган кўл бунинг учун жуда қулай жой, деган хулосага келди. Чўболончи қишлоғидаги ушбу кўл атрофида жойлашган 50 гектар тўқайзорни экотуризм масканига айлантириш таклифини билдирдик. Қолаверса, бу ерда сайёҳларни Амударё бўйлаб кемада сайр қилдириш имконияти ҳам мавжуд. Ушбу масканда сайёҳларни воҳа маданияти ва санъати билан таништириш учун фольклор-этнографик ансамбларнинг чиқишларини уюштириш, инглиз тилидаги субтитрларда миллий кино намуналарини намойиш қилиш ҳам яхши самара беради.

Билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида сессия қарор қабул қилди. Қарорда туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Мақсуд Алламов ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссиясига экотуризмни ривожлантириш, экотуристик база ташкил қилиш учун қулай ҳудуд танлаш, бу ерда сайёҳлик масканини ташкил этиш истагида бўлган тадбиркорлар ўртасида танлов эълон қилиш вазифаси топширилди.

Мухтасар айтганда, юртимизда туризмни ривожлантириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар, хусусан, мустақил Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, унинг иқтисодиётимиздаги улушини ошириш, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилади.

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан ушбу масаланинг сессияда муҳокама этилиб, қарор қабул қилиниши ҳудудда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, туман иқтисодиётини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, миллий ҳунармандчилик ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, энг муҳими, табиатдан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

Доимий комиссияларда

"Боғи Ширин"га янги ўйингоҳ керак

ушбу масала ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилди

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки спорт билан мунтазам шуғулланган инсоннинг иродаси мустаҳкам, соғлом, мард ва жасур бўлади. Шу боис бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам бир-биридан кўркам, барча зарур анжомга эга спорт муассасалари фаолият олиб бормоқда, бунёд этилмоқда.

Ёшларни болалигидан спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб улғайтириш борасидаги ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Масалан, 2005 йилда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, қишлоқ жойларида эса 29 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар 57,2 ва 56 фоизни ташкил этди. Бу жараёнда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён — 2003-2015 йилларда 1 минг 922 та спорт иншооти, 96 та сузиш ҳавзаси барпо этилди. Жорий йилда ҳам жамғарма режаси бўйича 19 спорт объекти, 11 сузиш ҳавзаси, 217 умумтаълим мактабида спорт зали қурилмоқда. Бу эса фарзандларимиз спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, бир умр спортга ошно тутиниши учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Партия ўз фаолиятида аҳоли, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг соғлом ва бақувват камолга етишларига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия сайловолди Платформасида ҳар томонлама соғлом, янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш асосий вазифалардан этиб белгиланган.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, ҳудудларда мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган масалаларни аниқлаб, ечимини топишда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаоллик кўрсатмоқда. Яқинда халқ депутатлари Сариосиё туман Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида туманнинг чекка ҳудудларидан бирида спорт муассасаси қуриш масаласи муҳокама этилди.

— Туманимизда ёшларни спортга кенг жалб этиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда, — дейди халқ депутатлари Сариосиё туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ойдин Жўрабекова. — Фарзандларимиз бугун барча шароитга эга иншоотларда ўзлари танлаган спорт тури бўйича шуғулланиш имконига эга. Бунинг самарасини туманимиздан чиққан чемпионлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, Маъруфжон Муродуллаев 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган II Параосиё ўйинларида 800-1500 метр масофага югуриш бўйича иккита олтин медални қўлга киритди. У яқинда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, бокс бўйича жаҳон чемпиони, айни кунларда Рио Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Баҳодир Жалолов ҳам Сариосиёда туғилиб, вояга етган.

Бироқ туманимизнинг барча ҳудудида ҳам етарли шарт-шароитларга эга спорт масканлари мавжуд, деб бўлмайди. Масалан, бугун уч мингдан ортиқ киши истиқомат қиладиган "Боғи Ширин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун ана шундай спорт мажмуасига эҳтиёж сезиляпти. Маҳалла фаолларининг мурожаатидан сўнг партия гуруҳи ушбу масалани ўрганиб, халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши кун тартибига киритди.

Доимий комиссия йиғилишида депутатлар ушбу масалани атрофлича муҳокама қилишди. Дарҳақиқат, ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс. Сариосиёлик ёшларнинг, айниқса, футболга қизиқиши баланд. Футбол мухлислари бир пайтлар Ўзбекистон олий лигасида юқори ўринлар учун курашган "Тўпаланг" жамоасини ҳамон эслайди. Туман марказида бугун ҳам футбол мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бироқ у чекка ҳудудлардаги барча болаларни қамраб ололмайди. Йиғилишда, шунингдек, "Боғи Ширин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида мини-футбол учун мўлжалланган спорт майдони қуриш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди. Комиссия ушбу масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқиш юзасидан қарор қабул қилди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил

Депутатлик сўрови

ундан маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари қай даражада фойдалана олаяпти?

Бугун жамиятимизда сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатларнинг ўрни ва мавқеи тобора юксалиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар соҳаларда муҳим қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашдаги иштироки кенгайиб бормоқда. Ўтган даврда сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятини кучайтириш, такомиллаштириш мақсадида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу эса улар фаолияти самарадорлигини ошириш, энг муҳими, депутатларнинг фуқаролар сиёсий иродасини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштирокини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ҳар бир сиёсий партиянинг ғоя ва мақсадларини, вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда аъзолари сафини кенгайтириш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган вакиллар фаоллиги-ю амалий саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутати ўзига берилган қонуний ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиши, муайян ташаббусларни амалга ошириши талаб этилади. Депутатнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, албатта, халқ манфаатига, аҳолини ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилиши ва хизмат қилиши керак.

> ✓ *Партия гуруҳлари аъзолари жорий йилнинг ярмида жами 1 минг 920 депутатлик сўровини амалга оширди*
> ✓ *Сўровларни амалга оширишда Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги халқ вакилларимиз фаоллик кўрсатди*
> ✓ *Депутатларнинг юбораётган сўровларини баъзи ташкилот ва корхоналар, уларнинг мансабдор ва масъул шахслари эътиборсиз қолдираётгани ҳам бор гап*

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида **депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли** эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ вакили қонунчилигимизда белгиланган ана шундай ваколат ёки ҳуқуқи асосида жойлардаги турли масалаларни ҳал этишга кўмаклашиши, аҳоли фаровонлиги, ҳудудлар ободлиги ва ривожига ҳисса қўшиши мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларнинг бу борадаги фаолияти эътиборга молик. Партия маҳаллий Кенгашлардаги вакилларининг ишини янада кучайтириш, уларнинг амалий саъй-ҳаракатлари, аниқ ва ҳаётий ташаббусларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда. Партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган халқ вакиллари жорий йилнинг ярмидаёқ электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жами 1 минг 920 депутатлик сўровини амалга оширди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 429 тага кўп. Ушбу сўровларнинг 457 тасида қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан тегишли мансабдор шахслардан асосли маълумотлар, ҳисоботлар тақдим этиш сўралган бўлса, қолган қисми фуқаролар мурожаатлари бўйича амалга оширилган.

— ЎзМТДП Марказий кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини тубдан жонлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларини мунтазам таҳлил қилиб боради, — дейди **ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Илҳом Расулов.** — Депутатларимизнинг сўровларни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлар нисбатан фаоллик кўрсатаётганини кузатиш мумкин. Масалан, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари жорий йилнинг 6 ойи давомида жами уч юздан зиёд, Тошкент вилоятидаги депутатларимиз 281, Фарғона вилоятида 207, Самарқанд вилоятида 198, Қорақалпоғистон Республикасида 152, Андижон вилоятидаги вакилларимиз эса 134 депутатлик сўровини амалга оширган. Ушбу рақамлар замирида эса партия дастурий мақсад-вазифалари, ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, электорат манфаатлари, аҳоли турмуш фаровонлигига қаратилган амалий ишлар мужассам эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фуқаролар мурожаатлари, Давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан тегишли мутасаддиларга юборилган мазкур сўровлар нафақат сон, балки сифат жиҳатдан, кўтарилган масаланинг мазмуни ва аҳамияти нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади.

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимиз жойларда аҳолини ўйлантираётган турли масалаларни атрофлича ўрганиб, уларни ижобий ҳал этишга интилмоқда, — дейди **ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Клара Сайдуллаева.** — Депутатларимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, ўз навбатида, партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Мунира Қориева Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-махсус мактаб-интернат биносини таъмирлаш масаласида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилган эди. Депутатимизнинг саъй-ҳаракати бесамар кетмади. Ушбу масала ўрганилиб, айни пайтда мактаб-интернат биносини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимизнинг бу каби амалий ишлари партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш, маданият, маърифат муассасалари шарт-шароитларини яхшилашга кўмаклашиш сингари дастурий вазифалар ижросига хизмат қилади.

Депутат ўзига билдирилган ишончни юрак-юракдан ҳис қилса, сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказса, ён-атрофдаги воқеаларга лоқайд қарамаса, албатта, муайян натижага эришади. Халқ вакили қатъиятсиз, бепарво бўлмаган жойдагина аниқ, ҳаётий ташаббуслар амалга ошади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ўз ваколат ва ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши, депутатлик сўровлари орқали турли масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатишлари, ўз навбатида, аҳолининг депутатларимизга, партиямизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари, дастурий вазифалари ҳаётга татбиқ этилишига замин яратади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
32 (404) 2016 йил 17 август, чоршанба

ЎзМТДП ташкилотларида

Самарали фаолият — муваффақият гарови

кенгайтирилган йиғилишларда камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, фаолият самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ғалла, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация каби йирик соҳаларда мустақилликка эришди. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, замонавий корхоналар барпо этилди, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Бу каби барча муваффақиятлар замирида Ватанимиз мустақиллиги, тинчлик-осойишталик, халқимизга хос бунёдкорлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари мужассам.

Кенгайтирлаган йиғилишда партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар, партия сайловолди Платформасида илгари сурилган ғояларни амалга ошириш борасидаги ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги ишларга эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, Давлат дастури ижроси доирасида ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан илк бор ўтказилган "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичида Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилояти оилалари беллашган эди. Унда Самарқанд вилояти вакиллари ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Хотин-қизларнинг барча жабҳаларда ўз салоҳиятини намоён этишида уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашувчи мана шундай ижтимоий лойиҳалар муҳим аҳамият касб этади.

Партия вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ўз фаолияти давомида ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик каби фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада партия Иштихон ва Тайлоқ туман кенгашлари ўтказган "Банк кредитлари — тадбиркорларга" лойиҳаси доирасидаги тадбир юқори савияда ташкил этилди. Бунинг натижасида 16 касб-ҳунар коллежи битирувчисига жами 416 миллион сўм кредит ажратилиб, ҳар бир тадбиркорга 26 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳисобот даврида партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва партияларо соғлом рақобат муҳитини яратишда партия гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Ҳудудий кенгашнинг бу борадаги саъй-харакатлари натижасида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ишида бирмунча ўзгариш кўзга ташланмоқда. Хусусан, жорий йилда ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари ташаббуси билан доимий комиссияларга 6 таклиф киритилди. Ўтган даврда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари икки юзга яқин депутатлик сўровини амалга оширди, улар ташаббуси билан 5 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди. Партия гуруҳлари 3 ташаббус-масалани сессиялар кун тартибига киритди.

Пленумда партия фаоллари ва депутатлар йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратдилар. Айрим ҳудудий

партия ташкилотлари фаоллари ва партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди. Уларга тегишли тавсиялар берилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши кенгайтирилган йиғилишида ҳам партия вилоят кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти ҳамда галдаги вазифалари, асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Унда ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Умиджон Жабборов **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** шиори остида олиб борилаётган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари хусусида маълумот берди.

Таъкидланганидек, жойларда "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси", "Истиқлолнинг янги авлоди: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!", "Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик?", "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир", "Эртанги кун бизники, марра бизники!" сингари лойиҳалар воситасида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар, партия вилоят кенгашининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва келгусидаги устувор йўналишлар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида вилоятдаги партия ташкилотлари жорий йилнинг 6 ойи давомида 400 га яқин турли маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ташкил этди. Айни пайтда вилоятда 11 ярим мингдан зиёд партия аъзоси бор. Улар 291 бошланғич партия ташкилотига бирлашган.

ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини изчил таъминлаш, партия сайловолди Платформасини амалга оширишда аниқ лойиҳаларни илгари суриб, аҳоли ишончини қозонишда фаоллик кўрсатиши лозим. Партия ташкилотлари фуқаролар қабулларини мунтазам ташкил этиш, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, жойлардаги ҳудудий масалалар ечимини топишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиши кўзланган натижага эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Кенгайтирилган йиғилишда жорий йилда эришилган натижалар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани танқид қилинди. Уларни бартараф этиш партия ташкилотлари ва депутатлардан изланувчанлик, ташаббускорлик, ўз фаолиятига нисбатан талабчанлик ва танқидий ёндашувни тақозо этади.

Йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП дастури — амалда

Янги лойиҳа

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши қошида "Ёш ихтирочилар" уюшмаси ташкил этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида мазкур уюшманинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ва "Тадбиркор аёллар" уюшмаси вилоят бўлими ходимлари, "Камолот" ЁИҲ фаоллари, ёш тадбиркорлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров "Ёш ихтирочилар" уюшмасини ташкил этишдан кўзда тутилган мақсадга эътибор қаратди.

— Партия вилоят кенгаши қошида ташкил этилган "Ёш ихтирочилар" клуби ёш ихтирочиларнинг инновацион лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади, — деди М. Назаров. — Шу билан бирга, ёшларимизни турли ёт оқимлар таъсири, мафкуравий таҳдидлардан асраб-авайлаш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, илмий салоҳиятини янада ошириш ва рағбатлантиришга қаратилган.

Тақдимот маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларда ижодий тафаккур ва кашфиётчилик қобилиятини ривожлантириш, иқтидорли ёшларнинг илмий-техник салоҳиятини ошириш, интеллектуал ва ижодий баркамоллигини юксалтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Қолаверса, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, барча тоифадаги ёшларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, маданият, спорт билан шуғулланиши ва ижтимоий рағбатланиши имкониятларини кенгайтириш мақсад-вазифаси белгиланган.

Шу боис ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши қобилиятли ва иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг изланишларини мақсадли йўналтириш, ихтирочилик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни мунтазам ташкил этмоқда. Хусусан, кенгаш қошида ташкил этилган "Ёш ихтирочилар" уюшмаси ўз сафига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиб, янги лойиҳаларни шакллантириш учун замин яратиш, ёш иқтидор эгаларини республика ва халқаро илмий-амалий анжуман, семинар, симпозиум, фан олимпиадалари, кўргазма ва кўрик-танловларда доимий иштирок этишига кўмаклашишни мақсад қилган.

Тақдимот маросимидан сўнг, "Ёш ихтирочилар" уюшмасининг фаол аъзолари йиғилганларга кашфиётларининг мазмун-моҳияти, ўзига хослиги, унинг келажакда мамлакатимиз тараққиётида нечоғлик ҳисса қўшиши борасида батафсил сўзлаб беришди.

Сирожиддин Насриддинов "Ёш ихтирочилар" уюшмасини ташкил этишда фаол иштирок этди. У ўз ихтиролари билан кўплаб танловлар ғолиби бўлган.

— Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида биз ёшларнинг ўз иқтидоримизни барча соҳада намоён этишимиз учун кенг имконият яратиб берилган, — дейди Сирожиддин. — Мазкур уюшма бизга билдирилган юксак ишончни оқлаш, она юртимизнинг тараққиёти, буюк аждодларимизга муносиб издош бўлишдек мақсадимизни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Жойлардаги иқтидорли ихтирочи ёшларни излаб топиш, уларни ягона мақсад остида бирлаштириш ва рағбатлантиришда "Ёш ихтирочилар" клуби муҳим ўрин тутади.

Тадбирда мазкур уюшманинг келажакдаги фаолиятини тизимли ва мақсадли амалга ошириш масалалари муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Уюшма раҳбари сифатида бир овоздан ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Самариддин Муҳиддинов сайланди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ

Хроника

Баркамол авлод — келажак пойдевори

мавзуси партия тадбирларида кенг тарғиб этилди

Сурхондарё

ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Келажаги буюк юрт фарзандлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда партия туман кенгаши аъзолари ва фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлинмаси ходимлари иштирок этди.

— Ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ва пировард мақсадидир, — деди ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши раиси Тўрамурод Раҳмонов. — Бу эзгу мақсадга эришишда, айниқса, турли соҳаларда муваффақият қозонган юртимиз ифтихорлари билан ўтказиладиган учрашувлар муҳим аҳамиятга эга. Партия сайловолди Платформасида мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган устувор мақсад — баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги тадбирлар ёш авлод вакилларини юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир давомида халқ амалий ҳунармандчилиги намуналари — мусиқа асбоблари, миллий либослар, миллий ўйинчоқлар, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик буюмлари кўргазмаси намойиш қилинди.

Якунда бир гуруҳ ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди.

Бухоро

ЎзМТДП Бухоро туман кенгаши "Соғлом она — соғлом бола" шиори остида ўтказган давра суҳбатида мамлакатимизда оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш борасида сўз юритилди.

— Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини асраш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, —деди партия туман кенгаши раиси Рисолат Бозорова. — Бу борада ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, турли тарғибот тадбирларини амалга оширмоқда. Зеро, "Соғлом она — соғлом бола" Давлат дастурида бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Тадбирда истиқлол шарофати билан мамлакатимизнинг энг олис, чекка ҳудудларида ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари хотин-қизлар, айниқса, ҳомиладор аёллар саломатлигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Партия сайловолди Платформасида аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қўмаклашиш каби масалалар устувор вазифа сифатида белгилангани эътироф этилди.

Сирдарё

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти", партия Янгиер шаҳар кенгаши, "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Соғлом турмуш — фаровон ҳаёт гарови" мавзусида бадиий гимнастика бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгашлари вакиллари ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг иқтидорли гимнастикачи қизлари қатнашди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларига жалб этишни янада ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

— Юртимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, опа-сингилларимизни спортга кенг жалб этиш — доимий эътиборда, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Наргиза Нурбоева. — Вилоятлар, хатто чекка қишлоқларда ҳам гимнастика марказларининг ташкил этилиши натижасида қизларнинг бу нафис спорт турига қизиқиши янада ортди, шуғулланувчилар кескин кўпайди.

Якунда тадбирда фаол иштирок этган бир гуруҳ қизларга партия Янгиер шаҳар кенгашининг ҳамда ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Жиззах

Халқимиз тинчлик ва хотиржамликни юксак қадрлайди. Зотан, бу улуғ неъматлар барқарор жойдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади.

ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши ташкил этган "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

— Тинчлик — бебаҳо неъмат, унинг қадрига етиш, ёшларга бунинг аҳамиятини янада теран тушунтириш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардандир, — деди ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши раиси Ўрол Сатторов. — Ҳаётимиз, турмуш даражамиз тобора фаровонлашиб, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, кўркам қиёфа касб этмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг тарихан қисқа даврда эришган юксак натижалари, тараққиёт суръатлари жаҳон ҳамжамияти, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамламоқда. Бу эса, энг аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик натижасидир.

Ўзаро фикр алмашиш, қизғин савол-жавоб руҳида кечган тадбирда миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз ривожига салбий таъсир кўрсатувчи, тинчлик ва осойишталигимизни бузишга уринаётган ҳар қандай мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсиридан асрашга қаратилган лойиҳалар, конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатларини мунтазам ташкил қилиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Андижон

ЎзМТДП Андижон шаҳар кенгаши "Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги — соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Андижон шаҳар 7-оилавий поликлиника шифокори Гавҳарой Йўлдошева, халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Севарахон Ҳошимова, маҳалла фуқаролар йиғини масъул котибаси Мавлудахон Каримованинг "Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги — соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим омили", "Болалар ўйинчоқларининг бола маънавиятига салбий ҳамда ижобий таъсири", "Соғлом авлоднинг шакланишида оилавий муҳитнинг аҳамияти" мавзусида маърузалари тингланди.

Давра суҳбатида зарарсиз болалар ўйинчоқлари билан таъминлаш борасида давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш, миллий ўйинчоқлар тайёрлайдиган ҳунармандлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий бозорларимизда болаларнинг руҳияти ва маънавий-ахлоқий дунёқарашига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинчоқлар сотилишининг олдини олиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, дунёқараши кенг, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади, деб ҳисоблайди ҳамда улар тарғиботига алоҳида эътибор қаратади.

Тадбирда партия шаҳар кенгашининг ушбу йўналишдаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан келишиб олинди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ

Ким эдигу ким бўлдик?

Бахтли ҳаёт кафолати

Шукроналик туйғуси билан йўғрилган ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига яқинлаштирмоқда. Мустақилликнинг буюклиги шундаки, у, энг аввало, халқимизга янги давлат, янги жамият барпо этиш ҳуқуқини берди. Барча соҳа ва тармоқ ривожи учун кенг имконият яратилди, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш асосий мақсадга айланди. Зеро, инсон дунёга бир марта келади ва у бахтли, ўз қобилияти ва иқтидори, интилиш ва меҳнатига муносиб фаровон ҳаёт кечиришга ҳақлидир.

Кечаги кун манзараларини бир кўз олдингизга келтиринг: бир ёқлама ривожланган, фақат пахта етказиб беришга йўналтирилган, бирорта ҳам ишлаб чиқариш саноати бўлмаган, ночор иқтисодиёт, жар ёқасига келиб қолган мамлакат, бўм-бўш пештахталару охири кўринмайдиган навбатлар, бир неча кунга етадиган ғалла захираси... Кўримсиз ва ночор биноларда жойлашган мактаблар, шифохоналар, пана-пастқам уйлар...

Шу боис Юртбошимиз истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратди. Барча имкониятлар одамларга муносиб турмуш шароити яратишга сафарбар этилди. Ҳали мустақиллик расман эълон қилинмасдан туриб, 1989 йил 16 августда "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шароитлар яратиб бериш ҳақида"ги қарор қабул қилинди. Натижада қисқа вақт ичида 1,5 миллион оиланинг томорқаси кенгайтирилди, 700 минг оилага томорқа ерлари ажратилди. Бу эса оилалар турмуш тарзига, уларнинг фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатди.

Мустақиллик арафасида Юртбошимиз ўша кунлардаги ижтимоий аҳволни таҳлил этиб, шундай деган эди: "Аҳолининг 45 фоизи кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражада маош олмоқда. Мамлакатда ўлим кўрсаткичи даражаси юқори даражада. Президент ва ҳукумат кўрадиган асосий ҳимоя чоралари энг аввало ногиронлар, етимесирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари манфаатига хизмат қилади".

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кучли ижтимоий ҳимоя мамлакат тараққиётининг асосий тамойилларидан бирига айланди. Одамлар кўнглида умид уйғониб, орзулар бўй чўза бошлади. Бўм-бўш қалбларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланиб, бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакатимизда ўтказилаётган барча ислоҳотнинг асл мақсади ҳам инсонга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришдан иборат эканлигига халқ ишонди.

Босқичма-босқич аҳолининг ижтимоий муҳофазаси таъминланди: иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар доимий тарзда ошириб борилди, компенсация тўловлари белгиланди.

Эслайлик: давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг илк йилларида, яъни 1992 йил 8 декабрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида шундай фикрларни билдирган эди: "Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа: соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман маънавий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз".

Кўпинча таълим масканининг ташқи кўриниши, озода ва саришталилига қараб, шу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар фаолиятига баҳо берилади. Шу боис жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларга эътибор, уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишлари учун етарлича шароит яратиб бериш ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу юртимизда таълим соҳасига қаратилаётган катта эътиборда, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариш учун зарур қонунчилик базасининг шакллантирилганида ўз аксини топди. Ёшларга билим беришни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, реал иқтисодиётнинг барча тармоғи учун юксак салоҳиятли, мустақил фикр юритадиган, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 1997 йилдан 12 йиллик таълимга ўтилгач, 1700га яқин коллеж ва академик лицей қурилди. Кейинги 25 йил ичида айрим давлатлар мактаб, болалар боғчаси учун бир дона ғишт қўймаганлигини ҳисобга олсак, бу рақамнинг нечоғли залворли эканини англаймиз.

1991 йилгача республикамиздаги мавжуд 42 олий ўқув юртидан атиги 3 таси университет мақомига эга эди. Бугун эса ҳар бир вилоятда камида иккитадан университет ва институт фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари, хусусан, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали, Турин политехника университети (Италия), Инҳа университети (Жанубий Корея) юртимиздаги таълим ислоҳотларининг жаҳонда "ўзбек модели" сифатида эътироф этилишини тасдиқлаш билан бирга, соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Кеча фарзандларимизни оғир меҳнатдан бошқасига ярамайди, дея камситганлар бугун уларнинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятига қойил қолмоқда. Фан олимпиадалари ғолиблари, жаҳон санъати ва спорти саҳнаси қироли ва қироличаларига айланган ёшларимизнинг истеъдодига ҳавас қилишяпти. Бу юксак баҳони жаҳон ҳамжамияти беряпти, бизнинг ҳар бир қадамимизни синчиклаб кузатаётган халқаро экспертлар беряпти.

Мамлакатимиз эришаётган ютуқлар бугун дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон ер юзидаги иқтисоди тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида 5-ўринда қайд этилмоқда. Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси бўйича ҳам жаҳон ҳамжамиятида бошқалар ҳавас қиладиган юқори кўрсаткичларни эгаллаб турибди. Бугун бу сўзлар айтишга осон, аммо уларнинг ортида қанча меҳнат, машаққат, билим, узоқни кўра билишдек доно сиёсат ва эътибор ётгани ҳеч кимга сир эмас.

Инсон ҳаётининг бахтли ва файзли кечиши саломатлик билан чамбарчас боғлиқ. Мустақилликка собиқ иттифоқ миқёсида оналар ва болалар ўлими энг юқори даражада бўлган юртимиз, бугун аксинча, бу борада дунё давлатларига намуна бўляпти. Ўзбекистон жаҳонда болалар саломатлиги бўйича энг кўп ғамхўрлик қилаётган ўнта мамлакатнинг бири сифатида эътироф этилмоқда. Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, мамлакатимиз дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Масалан, сўнгги ўн йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоиз)га қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди. Хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди. Аҳолининг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга узайгани инсон омилига бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланганида ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилади. Масалан, 2016 йилги Давлат бюджетида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришга 60 фоиздан кўп маблағ йўналтирилди. Жаҳонда ҳеч бир давлат ўз аҳолисининг фаровонлиги учун бунчалик катта эътибор ва маблағ ажратмаган. Бу иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори, аҳолининг реал даромадлари кўпайиши, илм-фан, спортга эътибор демакдир.

Соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказишда спорт муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаби, 1900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Натижада сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

Бундан 25 йил олдин Президентимизнинг ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта, буюк бўлади, деган сўзлари ҳозирги кунга келиб ҳаётимизнинг барча соҳасида ўз ижобатини топганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Эришаётган юксак марраларимиз асосий омили эса энг катта бойлигимиз — меҳнаткаш халқимиз, тинчлик ва осойишталигимиз эканини яхши англаймиз. Юртбошимиз яқинда Қашқадарё вилоятига ташриф чоғида алоҳида таъкидлаганидек, кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, хулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди. Бинобарин, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳимоялаш, мустаҳкамлаш, унинг қадрига етиш бахтли ҳаётимиз кафолатидир.

Сиддиқ НОМОЗОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Форум

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айни пайтда истиқлол йилларида эришилган оламшумул ютуқларни аҳоли, айниқса, ёш авлод вакиллари ўртасида кенг тарғиб қилиш, бу улуғ неъматнинг қадрини чуқур англаш ЎзМТДП ўтказаётган тадбирларнинг бош мавзусига айланган.

"Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир"

форуми доирасида Тошкент денгизида байроқлар паради ташкил этилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб Тошкент денгизида "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" форуми доирасида каноэчилар иштирокида байроқлар парадини ташкил этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, байроғимиз бугун нафақат юртимиз, балки давлатимизнинг қудрати, салоҳияти, халқимизнинг ғурур ва ифтихори тимсоли сифатида Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва консуллик муассасаларида, жаҳон кўргазмалари ва нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ҳам баланд ҳилпирамоқда.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган. Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг халқимизнинг миллий-маданий анъана ва қадриятларини ўзида тўлиқ мужассам этган. Мовий ранг азалдан куч қудрат, тинчлик, тенглик, беғуборлик ва донишмандлик тимсолидир. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг бағрикенглик ва оққўнгиллилиги ифодасидир. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш тимсоли, қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат — мангулик ифодасидир. Байроғимиздаги ярим ой, ўн икки юлдуз тасвири озодлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон эътиқод тимсоли. Шарқда ўн икки рақам мукаммаллик рамзи саналган: ўн икки ой, ўн икки бурж... Соҳибқирон Амир Темур ҳам ҳам давлат бошқарувида раиятнинг ўн икки қатламига алоҳида эътибор қаратган.

— Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли бузғунчи ва экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда бу каби тадбирларни мунтазам ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши матбуот котиби Дониёр Тошбоев. — Ушбу форум ҳам Ватанимиз мустақиллиги, истиқлол берган кенг имкониятлар, халқимиз эришаётган улкан ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини ёшларга атрофлича тушунтириб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остидаги форум халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ёшларни юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишда муҳим ўрин тутади.

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимиз урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Шу боис партия ташкилотлари жойларда ўтказаётган тадбирлар мазмун-моҳияти мустақиллик, миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш ғояларига қаратилмоқда.

Даврон САФАРОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши девон раҳбари:

— Бу каби тадбирлар ёшларда ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик, давлат рамзларига хурмат, ғурур ва ифтихор туйғуларининг янада ортишига хизмат қилади. Шу боис форум доирасида ёшлар иштирокида тарихий обида ва ёдгорликларга саёҳат, ёш рассомлар кўргазмаси, ёш шоирлар мушоираси, таниқли кино актёрлари, спорт чемпионлари билан мулоқот, китоблар, миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик маҳсулотлари кўргазмалари, миллий таомлар танлови, турли спорт мусобақалари ва миллий халқ ўйинлари ташкил этилмоқда.

Форум доирасида ташкил этилган каноэчиларнинг Тошкент денгизидаги бугунги кўргазмали чиқишлари ҳам ана шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ахборот хизмати материаллари асосида Ойдин АЛИМАРДОНОВА тайёрлади

Семинар

Замонавий технологиялар — қутқарувчилар хизматида

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш тизими вакиллари ўртасида семинар ўтказилди.

Тадбир Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним фидо сенга, Ўзбекистоним"** шиори остида ташкил қилинди.

Семинарда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, юзага келиши мумкин бўлган хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнларни ўз вақтида аниқлашга оид комплекс чора-тадбирлар, бу борадаги ўзаро ахборот алмашув масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида вазирлик хизматлари ва бўлинмалари замонавий техник восита ва ускуналар, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобиль техникаси билан таъминланмоқда. Бу эса уларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир. Шу муносабат билан мамлакатимизда "MAN" ва "Isuzu" автомобиллари шассиси базасида авария-қутқарув машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2011 йилда дастлабки шундай автомобиллар қутқарув отрядлари ихтиёрига берилди. Ўтган вақт мобайнида мазкур автомобиллар мамлакатимизнинг бориш қийин бўлган ҳудудларида ҳаво ҳарорати юқори ва паст даражада бўлган ҳолатларда ҳам ишлашга қодирлиги ва ишончлилигини намоён этди. Айни пайтда вазирлик ходимлари фойдаланаётган автомобилларнинг 60 фоизи юртимизда ишлаб чиқарилган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани иштирокчилар эътиборини тортди. Айни пайтда қутқарув хизматлари мамлакатимиз дастурчилари ишлаб чиққан бир неча дастурий маҳсулотлардан фойдаланмоқда.

— Ўтган йили вазирликнинг янги ахборот тизими ишга туширилди, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими бошлиғи П.Волков. — Бу тизимда рўй берган ва юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисида маълумотлар тўплаш имконини бермоқда. Бунинг натижасида катта ҳажмдаги маълумотлар таҳлил қилиниб, тез-

кор қарорлар қабул қилишга эришилди. Бугун мазкур тизимга Ўзбекистондаги фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш имконини берадиган қўшимча модуллар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз қутқарув тузилма ва хизматларини ҳисобга олиш модули ҳам тайёрланаётир. Бунда барча вазирлик, идора ва саноат корхоналарининг қутқарув бўлинмалари таркиби ҳамда уларнинг жиҳозланиши ҳақида ахборот тўпланади.

Шунингдек, "дала ходимининг мобиль иловаси" ҳам яратилмоқда. Ушбу илова фавқулодда вазиятлар юз берган жойга борадиган вазирлик ходимларига воқеалар ҳақида маълумот тўплаш, навбатчига тезкор ҳисобот, воқеа жойидан фото ёки видеолавҳа юбориш имконини беради. Айни пайтда янги "SOS" мобиль иловаси синовдан ўтказилмоқда.

Семинарда янги геодезия, қутқарув, тиббиёт ускуналари ва ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларининг имкониятлари ҳам намойиш этилди.

Тадбир доирасида "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида фуқаро муҳофазаси тузилмалари фаолияти ва уларни ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий семинар ҳам ўтказилди. Семинарда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонунлар ушбу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Ҳар бир саноат корхонасида алоҳида фуқаро муҳофазаси тузилмаси ташкил этилган ва барча зарур авария-қутқарув ускуналари билан таъминланган. Мазкур тузилмалар ходимларининг малакасини ошириш мақсадида қўмондонлик-штаб ва махсус тактик ўқув машғулотлари, "Фуқаро муҳофазаси кунлари", махсус семинар ва тренинглар мунтазам ташкил қилинмоқда. Сўнгги беш йилда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан 200 дан зиёд қўмондонлик-штаб ва 2,5 минг махсус тактик ўқув машғулотлари ўтказди.

Семинар доирасида "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти фуқаро муҳофазаси тузилмаси қутқарувчиларининг ўқув машғулотлари ташкил этилиб, турли вазиятларда ҳаракат қилиш тактикаси намойиш этилди, ўлчов асбоблари, авария-қутқарув ва ўт ўчириш техникаси кўргазмаси ўтказилди.

Семинарда иштирокчилар ўзаро тажриба ва фикр алмашди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
32 (404) 2016 йил 17 август, чоршанба

Миллий ғурур

Ғалабамни мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлайман

— дейди XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медали соҳиби Ҳасанбой ДЎСТМАТОВ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

...Шу йилнинг 14 август куни. Барчанинг диққат-эътибори Рио Олимпиадасига қаратилган. Вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасида кечган финал баҳсида ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўстматов колумбиялик Юберхен Мартинесни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди: ўзбек фарзанди юртимиз терма жамоасига дастлабки олтин медални тақдим этди. У Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён қилди.

Ғолиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Бу ғалаба онларини бутун халқимиз ўз ғалабасидек кутиб олди. Мадҳияميз садолари янграганда кўкси тоғдек кўтарилиб, кўзларига қувонч ёшлари қалқди.

— Президентимиз ёшларга қарата маррани доимо баланд олинг. Зеро, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимизга муҳрланган, — дейди Ҳасанбой Дўстматов ўз интервьюсида. — Давлатимиз раҳбарининг ушбу даъвати мени ҳам доимо янги-янги марралар сари чорлайди. Фурсатдан фойдаланиб, бизни доимо қўллаб турган ҳамюртларимга чексиз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман...

Истиқлол йилларида туғилиб вояга етган, юртимизда ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлардан баҳраманд бўлган Ҳасанбой Дўсматов бокс бўйича кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашди. 2013 йил Қозон шаҳрида ўтган Бутунжаҳон Универсиадасида ғолиб бўлди. Ёш бўлса-да анча тажриба орттирган боксчимиз XXXI ёзги Олимпия ўйинларига жиддий тайёргарлик кўрди. Германия, Россия, Қозоғистонда ўтган халқаро турнирларда ғолибликни қўлга киритди.

Болалигидан спортга меҳр қўйган Ҳасанбой ўз олдига юксак марраларни қўйди. Ана шу мақсадга эришиш йўлида тинмай ўз устида ишлаб, маҳоратини ошириб борди. Не бахтки, бундан 16 йил аввал мурғак қалбда туғилган эзгу ният бу кун ижобат бўлди.

— 2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида Олимпия ўйинлари бўлиб ўтганида 7 ёшли болакай эдим, — дейди чемпион. — Ҳалиҳамон ёдимда: ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича мусобақада барча рақиб устидан зафар қучиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганини бутун оиламиз билан кўрганмиз. Шунда бир кун келиб мен ҳам чемпион бўламан, дея орзу қилгандим. Ниятим ижобат бўлганидан жуда ҳам хурсандман.

Яхши ният бир кун келиб албатта рўёбга чиқишига Ҳасанбойнинг тарихий ғалабаси мисолида яққол амин бўлиш мумкин. У истиқлол фарзандлари истеъдод, салоҳият, тажриба ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади. Ўзбек ўғлони Ҳасанбой Дўстматовнинг номи энди Олимпиада ғолиблари қаторидан ўрин эгаллади.

— Ўғлимни олис сафарга кузата туриб, барча спортчимиз қатори юртимиз обрўсига обрў қўшиб, албатта, ёруғ юз ила қайтгин, деб дуо қилганмиз, — дейди спортчининг онаси Дилноза опа Ҳайитбоева. — Унинг ҳар бир ўйинини барча маҳалладошлар бизникига йиғилиб, ҳаяжон билан кузатиб бордик. У шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганида қалбим ғурур ва ифтихорга тўлди. Ахир, фарзандингиз вақти келиб юрт корига яраса, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилса, она учун бундан ортиқ бахт борми? Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун замонавий шароитлар яратиб бераётган, уларни доим қўллаб-қувватлаб, ортингизда Ўзбекистон деган буюк Ватан турибди, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, сизларга халқингиз ишонади, мен ишонаман, деб юксак ғалабалар сари руҳлантираётган, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан миннатдормиз.

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тажрибали оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиш билан бирга Олимпиада рекордини янгилаб, Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканини бутун дунёга яна бир карра намоён қилди.

Руслан Нурудинов — Олимпиада ғолиби ва рекордчиси

Ватан шаънини улуғлаш — инсон қалбидаги орзу-мақсадларнинг энг улуғи. Спортчиларимизнинг Рио Олимпиадасида эришаётган оламшумул ютуқларини халқимиз катта ҳаяжон ва шодлик билан кутиб олмоқда. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, одамлар кайфиятида байрам шукуҳи, ғалаба сурури, фахр-ифтихор туйғулари жўш урмоқда.

Ҳасанбой Дўстматов, Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Рустам Тўлаганов ва Элмурод Тасмуродовнинг ғалабаси шукуҳи қалбларимизда жўш уриб турган бир пайтда халқимиз яна бир қувончли воқеа — оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Олимпиада шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилганига гувоҳ бўлди.

Нуфузли мусобақанинг оғир атлетика бўйича вазни 105 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувларида иштирок этган оғир атлетика бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, Бутунжаҳон Универсиадаси ғолиби Руслан Нурудинов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига яна бир олтин медални келтирди.

Чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган ва ўз вазн тоифасида дунё атлетлари ўртасида етакчилик қилаётган Руслан Нурудинов штангани даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237, иккикураш натижасига кўра 431 килограмм натижани қайд этиб, Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди. Унинг силтаб кўтаришда кўрсатган натижаси Олимпиаданинг янги рекорди сифатида эътироф этилди.

Ғолиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Руслан мамлакатимиз мустақиллиқка эришган 1991 йилда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида туғилган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчи қилиб тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик минглаб ёшлар сингари Русланнинг ҳам эзгу орзуларини рўёбга чиқарди.

У халқаро майдондаги илк ғалабасига 2009 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эришди. 2011 йили Франциядаги жаҳон чемпионатида кумуш, 2012 йили Жанубий Кореяда ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Лондон Олимпиадасида кучли тўртликдан жой олди. 2013 йили Осиё чемпионатида учта олтин медалга сазовор бўлди, Бутунжаҳон Универсиадасида икки маротаба рекорд ўрнатиб, чемпионликка эришди. Польшада ўтган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонлари билан тақдирланган.

Унинг спортчилик фаолиятида эришган улкан натижалари Олимпия ўйинларидаги олтин медали тасодиф эмаслигини яна бир карра исботлайди.

— Қалбимда кечаётган ҳис-туйғуларни сўз билан таърифлаб беролмайман. Менинг ғалабам — барча юртдошларимизнинг ғалабасидир, — дейди Руслан Нурудинов. — Мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган Президентимизга, халқимизга, яқинларим ва устозларимга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

— Бугун Руслан Нурудинов қайд этган натижани ҳақиқий мўъжизага қиёслаш мумкин, — дейди Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян. — Бу Ўзбекистонда спорт қай даражада тараққий этиб бораётганининг ёрқин исботидир. Рио ўйинларида Ўзбекистон спортчилари қайд этаётган натижалар таҳсинга сазовор. Олимпия ўйинларида бундай натижаларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман. Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатингизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларни алоҳида таъкидламоқчиман. Бунинг самараси бугун Олимпия ўйинларида яққол намоён бўлмоқда.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳозирга қадар 2 олтин ва 4 бронза медалга эга бўлган Ўзбекистон делегацияси умумжамоа ҳисобида 27-ўринда бормоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА, А.ИЛЁСОВ
(“Жаҳон” АА, сурат)

Зиё маскани

Китоб дўконлари

чинакам маънодаги маърифат масканига айланиб бораётир

Китоб ўқиган инсоннинг қалби гўзаллашиб бораверади. Айниқса, бугунги глобаллашув, ахборот воситалари жадал ривожланаётган XXI асрда ҳам китобга бўлган эҳтиёж камайгани йўқ. Мамлакатимизда юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш, уларнинг қалбида юртга садоқат, миллий ва умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Ушбу жараёнда китоб дўконлари ва кутубхона ишини такомиллаштириш, матбаа ноширлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бугун мамлакатимизда, айниқса, барча шароитга эга китоб дўконлари кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги “2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимида “Китоб олами” савдо мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳам шарқ, ҳам ғарб бинокорлик хусусиятларини ўзида мужассам этган мазкур мажмуада харидорлар учун барча қулайлик мавжуд.

Дўкон тўрт — ўзбек, рус, чет эл ҳамда болалар адабиёти бўлимларидан иборат. Маҳобатли катта залнинг 21 шўъбасида тарихий романлар, замонавий детектив асарлар, таълим нашрлари, турли соҳага оид адабиётлар, ихтисослашган қўлланмалар ўрин олган. Дўкондан ўзбек тилида нашр этилган кўплаб жаҳон мумтоз асарларини харид қилиш мумкин. Иккинчи қаватдан эса чет эл нашриётларида чоп этилган китоблар жой олган.

— Мажмуамизда юртимиз ва хориж нашриётларида чоп этилган 5 мингдан ортиқ номдаги 60 мингта китоб савдога чиқарилган, — дейди дўкон ходими Яҳёбек Абдумуталибов. — Китоб залида дисклар ва электрон адабиётлар учун алоҳида стол ташкил қилинган. Дўконимиз сайти ҳам бор. У орқали нафақат дўкон ҳақида маълумот олиш, балки масофадан туриб китоб харид қилиш имкони мавжуд. Харидни kitobolami.uz сайтига кириб, пластик карталар орқали амалга ошириш мумкин. Дўконда, шунингдек, даврий босма нашрлар бўлими очилган, ёзувчи ва шоирлар билан учрашув ҳамда китоб тақдимотлари ўтказилаётир.

— “Китоб олами” савдо мажмуаси Марказий Осиёда ягона эканлиги билан ҳам диққатга сазовор, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош муҳаррири Муҳиддин Омонов. — Унга нафақат юртдошларимиз, балки хорижий меҳмонлар ҳам ташриф буюрмоқда. Мажмуа Ўзбекистондаги 110 нашриёт ҳамда Россиянинг бир қанча ноширлик уйлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳозирда Нукус, Хива, Фарғона, Самарқанд, Намаган шаҳарларида ҳам замонавий қулайликларга эга шундай мажмуалар фаолият олиб бораётир. Уларнинг барчасида 22 номдаги 30 мингга яқин ўқув-услубий, бадиий-публицистик, илмий ва болалар адабиётлари ўрин олган. Яқинда Навоий ва Жиззах вилоятларида

ҳам “Китоб олами” мажмуалари иш бошлайди. 2017 йилнинг охиригача вилоят туманларида ҳам ана шундай китоб дўконлари очилади.

— Аҳоли, айниқса, ёшларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, уларнинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда китоб муҳим ўрин тутади, — дейди Наманган вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зиёвуддин Мансуров. — Вилоятимизда янги очилган китоб мажмуаси ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилаётир. Мажмуада китобхонлар учун барча шароит яратилган. Тўрт қаватдан иборат кўркам бинонинг биринчи қаватида мўъжаз ўқув зали ва тамаддихона жойлашган. Иккинчи қават китоб савдосига мўлжалланган. Унда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, илмий-оммабоп, болалар адабиёти, дарсликлар каби йигирмага яқин бўлимда 30 мингдан зиёд китоб ўрин олган. Мажмуада ёш оилалар, ота-оналар учун ҳам қулайлик яратилган: турли ўйинчоғу қўғирчоқлар билан тўлдирилган махсус бурчак болажонлар ихтиёрида. Мажмуанинг учинчи ва тўртинчи қаватида йил охирига қадар хорижий тилларни ўқитиш маркази ҳамда кичик босмахона очиш мўлжалланган.

— Аввалари китоб савдоси, асосан, йўл юзидаги очиқ расталарда бўларди. Бу, айниқса, иссиқ ва совуқ кунларда харидорларга кўп қийинчилик туғдирарди. Бундан ташқари улардан керакли китобни топиш ҳам жуда мушкул эди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева. — Ҳозир ҳамма нарса ўз ўрнида. Китоб излаб бутун мажмуани айланиш шарт эмас. Айниқса, китоб дўкони сайтига кириб истаган китобингизга буюртма бериб, харид қилиш имконига эгасиз...

Бу борада “Ўздавкитобсавдотаъминоти”, “Шарқ зиёкори” савдо ташкилотлари фаолияти ҳам эътиборга молик.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қошида ташкил қилинган “Шарқ зиёкори” МЧЖ савдо уйи бугун энг йирик китоб марказларидан бирига айланди. Бу ерда кенг турдаги китоб маҳсулотлари билан бирга керакли ўқув маҳсулотлари ҳам сотилади. Китоб марказининг республикамиз ва Тошкент шаҳрида 15 дан ортиқ савдо нуқталари мавжуд. Жумладан, ҳар бир вилоят марказида “Шарқ зиёкори”нинг филиаллари ташкил этилган.

“Шарқ зиёкори” МЧЖ нинг фаолият доираси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида аҳолига кўрсатаётган хизмат ва савдо ҳажми ҳам ошиб бораётир. Савдо маркази йилига 150 турдан зиёд номдаги китобларни китобхонларга ҳавола этмоқда. Тақдим этилаётган маҳсулотлар мазмун-моҳияти, миллий руҳи, юксак дизайни ва сифат даражаси юқорилиги билан китобхон истаги ва моддий имкониятига тўлиқ мос келади.

— Бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, барча китоб дўконларида кўзни ва дилни қувонтирадиган бир ҳолат эътиборингизни тортади: батартиблик, ёруғлик, озодалик ва сотувчиларнинг хушмуомалалиги, — дейди журналист Шокиржон Сиддиқов. — Китоблар жавонларга мавзуларига қараб тартиб билан териб қўйилган: бадиий, илмий, техник адабиётлар, хорижий тиллардаги нашрлар... Дўконга кирган ҳар бир мижоз эътибордан четда қолмайди. Харидорга излаётган нашрини топишда ёрдам ва маслаҳат берилади. Мабодо, ўша китоб сотувда йўқ бўлса, буюртма орқали топиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, китоб дўконларимиз бугун ҳақиқий маънодаги маърифат масканларига айланиб бораётир...

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish”мухбири

ММММда

Маҳалла — ноёб институт

Охирги 5 йилда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобидан 160 мингдан ортиқ оилаларга моддий, 4 минг 140 дан ортиқ оилаларга уй-жойларини таъмирлаш, 797 нафарга яқин ногирон ва боқувчисини йўқотган талабаларга ўқув-шартнома пулини тўлашга ёрдам кўрсатилди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг “Мустақиллик йилларида маҳалла кеча, бугун ва эртага” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Унда маҳалла фаоллари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш, жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилма мақомини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Аввало, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди, уларнинг мақомини белгилаш, ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Таъкидланганидек, миллий ва маънавий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни баркамол инсонлар сифатида камолга етказиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигига кўмаклашиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш шулар жумласидандир.

Маҳаллаларда яраштириш, маърифат ва маънавият, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, тадбиркорлик фаолияти ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш, экология, табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик назорати ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилиши фуқаролар йиғинлари фаолиятида янги имкониятлар яратмоқда.

Жорий йилда маҳаллаларда 110 мингга яқин маърифий-маданий тадбирлар ташкил этилишида Фонд ҳудудий тузилмалари услубий-амалий ёрдам кўрсатди. Фуқаролар йиғинларининг соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги фаолиятини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштиришда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”, “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳар йили ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган “Футболимиз келажаги”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи”, “Биз ақл-идрокли оилалармиз” каби мусобақалар аҳамияти салмоқли бўлаётганига ҳам эътибор қаратилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида Фонд ҳисобидан чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг 8 минг 260 нафарига кийим-бош тўпламлари берилди.

Тадбирда истиқлол йилларида маҳалла институтини ривожлантириш борасида тўпланган ижобий тажрибалар билан бир қаторда, келгусидаги устувор вазифалар хусусида ҳам батафсил сўз юритилди. Жумладан, маҳаллаларда аҳоли маънавиятини янада кучайтиришга қаратилган тарғибот ишларини изчил давом эттириш лозим. Мутасадди давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини янада кучайтириш давр талабидир. Айни чоғда мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, қўлга киритилган улкан ютуқларимиз ҳамда “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?”, “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган саволларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Дилфуза ТОШТЕМИРОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Бизнинг шарҳ

Бадандаги безак балоси

...Англиянинг Планелли шаҳрида истиқомат қилиб келган пирсинг ишқибози Лесли Ховвеллс бир неча йил муқаддам қон заҳарланиши оқибатида ҳаётдан кўз юмади...

У "Гиннеснинг рекордлар китоби"дан жой олишни орзу қилар, шу боис баданининг 118 жойини сунъий тештириш орқали турли тақинчоқлар тақишга ружу қўйган эди. Мазкур тақинчоқлар туфайли соғлиғи ёмонлашганига қарамай, у бу одатидан воз кечишни истамади. Унинг баданидаги "санъат асарлари" муаллифи, Пирсерлар миллий ассоциацияси аъзоси Роналд Невитт буёғига Леслининг танасини безашдан бош тортади. Уста мижозининг безаклар тозалигига эътибор қаратмаганига эътироз билдириб, агар у шу зайлда баданини тештиришда давом этса, оқибати аянчли тугашидан огоҳлантиради. Тарки одат — амримаҳол, деганларидек Лесли бошқа пирсерга мурожаат қилиб, баданида илма-тешикларни кўпайтиришда давом этади. Оқибатда аҳволи ёмонлашиб, шифохонага ётқизилади. Шифокорлар ҳарчанд уринишмасин, ўн бир кунлик беҳушликдан сўнг Лесли қон заҳарланишидан вафот этади...



Баъзи одамларнинг ана шундай аянчли ўлими билан якун топган ҳодисалар ҳақида эшитиб, шундай саволлар миянгизда чарх уриши табиий: хўш, пирсинг ўзи нима? Қачон ва қаерда пайдо бўлган? Қай мақсадда фойдаланилади?

Танани жароҳатлаш эвазига яратиладиган безак — пирсинг деб аталади. Уни татуировканинг эгизаги дейиш мумкин. Минг афсуски, ҳозир пирсинг ёрдамида қулоқни бир неча жойидан тешиш, бурун, қош, лаб, киндик ва қориннинг маълум жойларига зирак — тақинчоқлар тақиш айрим ёшлар ўртасида урф бўлмоқда. Пирсинг инглизча "body piercings" сўзидан олинган бўлиб, "танани тешиш" маъносини англатади. Яъни тананинг бирор жойи тешилиб, зирак ёки бошқа бир тақинчоқ тақиш демакдир. Қадимда танани тешиш учун игна, ўткир пичоқ, суяк, чиғаноқ, чархланган тошдан фойдаланилган. Тақинчоқ ўрнида эса турли металлар (бронза, кумуш, тилла, платина)дан фойдаланилган. Бугун эса танани тешиш учун махсус "тўппонча" ва игналар ишлатилаётир.

Аслида пирсинг тарихи бронза даврига бориб тақалади. Археологлар қазилма ишлари давомида бундан бир неча минг йил олдинги даврга оид тақинчоқларни топиб олгани шундан далолат беради. Жанубий Ҳиндистонда истиқомат қилган тамил халқи болаларнинг қулоғини тешган ҳамда у елкага қадар кенгаймагунча оғир нарсалар осиб қўйган. Жанубий Америка ҳиндулари лаблари остида диск маҳкамлаганлар, натижада бундан "тумшуқ" ҳосил бўлган. Аксарият жанубий Америка қабилаларида юзнинг турли қисмлари, хусусан, бурун, қулоқ, лаб остини тешиш анъанага айланган. Ҳосил қилинган тешикка эса ёғоч ёки бамбукдан ясалган чўп қадалган. Тантана ва маросимлар вақтида эса ундан қуш суяги ва пати ўтказилган. Ацтек қабиласи вакиллари эса маросим пайтида ҳатто тилларини ҳам тешган. Пирсинг қадимда баъзи халқ ва қабила маросимларининг ажралмас қисми бўлган. Қадимда пирсинг қилдириш оғриқли кечган. Ким ана шундай оғриқларга бардош берса, у иродали ҳисобланган, гўёки жамиятнинг ҳақиқий аъзоси сифатида тан олинган.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида пирсинг АҚШда кенг тарқалади. Бунда "замонавий пирсингнинг отаси" деб тан олинадиган Жим Варднинг хизматлари катта. 1975 йилда Вард Уэст-Голливуд шаҳрида уй-салони очади. 1978 йилда "Гаутлет Итерпрайс" компанияси пирсингга мўлжалланган дунёдаги илк профессионал студия фаолиятини йўлга қўяди. Бугунги кунда пирсинг ва татуировка субмаданиятнинг ажралмас қисми сифатида айрим ғарб қўшиқчиларининг эрмагига айланган. Агар қадимда у фақат рамзий маъно касб этган бўлса, бугун пирсингга боди-арт деб аталувчи санъат — татуировканинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

Пирсинг инсон саломатлигига жиддий зарар етказади. Яхши тозаланмаган пирсинг асбобларидан фойдаланиш орқали турли юқумли касалликлар — ОИТС, гепатит, сил, қоқшолни юқтириб олиш ҳеч гап эмас. Шифокорларнинг фикрича, пирсингнинг безарари бўлмайди. Улар орасида энг хавфлиси — тил ва лаб пирсинги. Бундай пирсинг ютиниш, овқат чайнашга халақит қилади, нутқда турли муаммоларни келтириб чиқаради, тишларнинг тушиб кетишига олиб келади, нафас олишни қийинлаштиради, таъм сезиш қобилиятини пасайтиради. Олимлар олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тили ва лабига пирсинг қилдирган ҳар бешинчи ўсмир оғиз бўшлиғи муаммосига дуч келар экан. Узоқ муддат бундай безакларни тақиб юриш хавфни янада оширади. Тана қисмларини тештиришнинг тез-тез учрайдиган асорати заҳарланишдир. Янги тешилган жойга тушган бактерия ва вируслар яллиғланиш сингари гепатит В ва бошқа жиддий касалликларни юзага келтиради. Шунингдек, пирсинг қон айланишининг бузилиши, чандиқ ҳосил бўлиши ва эндокардитга олиб келади. Жароҳатлар ҳам пирсинг асоратларида мунтазам учраб туради.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда" дейди.

Дарҳақиқат, "оммавий маданият" онгимизга "одатий ҳол" бўлиб кўринган нарсалар — компьютер ўйинлари, хориж мультфильми ва бадиий фильмлари, бирор бир машҳур артист ёхуд киноактёрга тақлид қилиш, пирсинг, татуаж ва боди-артнинг бошқа турларига берилиш орқали кириб келиб ўрнашади ва оқибатда ўзликнинг йўқолишига олиб келади. Ғарб маданиятининг ажралмас қисми дея таърифланаётган пирсинг ва татуировка миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мутлақо зид. "Оммавий маданият" намунаси бўлган пирсинг ва татуировкани бизга дахли йўқ, бу бизга ёт муаммо, деб хотиржамликка берилиш ярамайди. Сабаби, бугун глобаллашган, интеграциялашган Интернет асрида яшаяпмиз. Интернет ахборот хуружининг "ўчоғи"га айланган. Унда, айниқса, пирсинг ва татуировка катологларининг рекламаси, косметологларнинг бу борадаги "изланишлари" тинимсиз тарғиб этилмоқдаки, айрим ёшлар бу "ҳунар"га маҳлиё бўлмоқда. Ҳеч қандай маъно, мазмун акс этмаган, фақат беҳаёлик, ваҳшийликни тарғиб қилувчи бундай суратлардаги "мода" ортига яширинган "оммавий маданият" хуружлари шарқона одоб-ахлоқ, фаҳм-фаросат, шарм-ҳаё, азалий қадриятларимизни ёшлар онгидан сиқиб чиқаришга қаратилгани билан хавфлидир. Бундай зарарли одатларни замонавий тиббиёт ҳам қаттиқ қоралайди. Бугун ана шундай иллатлар турли хориж фильмлари, клиплар воситасида ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Афсуски, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган, ғўр, онги ва маънавияти заиф, модага ўч айрим қизиққон ёшлар бундай одатлар таъсирига тез тушиб қолмоқда. Таассуфки, кўчакуйда баъзан баданига пирсинг ва татуировка қилдирган ўзбек йигит-қизлар ҳам учраяпти. Қолаверса, айрим йигитларимиз қулоғига худди қизлардек зирак тақаётганини қандай изоҳлаш мумкин?!



Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизни уларнинг онгу тафаккурига, қалбига рахна солаётган бундай таҳдидлардан асраш зарур. Баданга турли тақинчоқ тақиш нафақат саломатликка, балки одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам путур етказишини унутмасак бўлгани.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Рангин дунё

Бугун барчамиз шаҳарларни баланд, кўп қаватли биноларсиз тасаввур қила олмаймиз. Кўпчилигимиз шундай биноларда ишлаймиз, истиқомат қиламиз. Бу ҳам инсон ақли, кучи, қудратидан яралган мўъжиза. Умуман, инсоният XIX асрда кўп қаватли бинолар қуришни бошлаган бўлса, бу XX асрда янгича кўриниш ва дизайнга эга бўлди. Айнан шу асрдан бошлаб АҚШ, Европа давлатларида осмонўпар бинолар, тенги йўқ савдо-кўнгилочар ҳамда бизнес марказларини қуриш шиддатли тус олган бўлса, XXI асрга келиб бу борада Осиё давлатлари ҳам анча илдамлаб кетди. Хусусан, Хитой ўзининг баланд миноралари, улкан иншоотлари билан дунё аҳлини жалб этмоқда.

"Янги аср" глобал маркази

Бугун Шанхай шаҳридаги 88 қаватли Цзин Мао минораси, 101 қаватдан иборат Шанхай жаҳон савдо маркази, 128 қаватли Шанхай минораси ҳар бир хитойлик учун ўзига хос фахру-ғурур тимсолига айланган.

Кейинги йилларда Хитойнинг яна бир йирик мегаполиси Ченду шаҳрида ҳам осмонўпар бинолар қад ростламоқда. Ана шундай йирик иншоотлардан бири "Янги аср" глобал маркази 2013 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилди. У дунёдаги энг кўп мақсадли, йирик бино сифатида тан олинган.

Ушбу мажмуанинг лойиҳаси асли келиб чиқиши ироқлик бўлган британиялик меъмор Заха Ҳадидга тегишлидир. Меъмор бир неча ўзига хос креатив лойиҳалари, хусусан, Озарбайжон пойтахти Боку шаҳридаги Ҳайдар Алиев маркази, Лондон шаҳридаги сув спорти саройи, Москва шаҳридаги "Dominion Tower" бизнес марказини лойиҳалаш борасида муваффақиятларга эришган. У бу сафар Хитойнинг Сичуан вилояти маркази Чендуда мегаиншоот барпо этиш учун эълон қилинган танловда ўзининг "Янги аср" глобал маркази лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиб бўлди.



Лойиҳага асосан бино 2004-2010 йилларда қуриб битказилди. Мазкур мегаиншоот тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз учун рақамларга мурожаат қиламиз. Умумий майдони 1,76 миллион квадрат метр, узунлиги 500, эни 400, баландлиги 100 метрни ташкил этувчи металлойна қопламали 18 қаватли бино АҚШдаги Пентагон биносидан 3 марта, Сидней опера театридан 20 баробар каттароқ. Ушбу бино фойдаланишга топширилгунга қадар энг йирик иншоот мақоми 2009 йилда қуриб битказилган Дубай халқаро аэропортининг 3-терминалига тегишли эди.

"Янги аср" глобал маркази кўп тармоқли эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда Дубай шаҳридаги MALL гипермаркетини ҳам ортда қолдирувчи, майдони 400 000 квадрат метр бўлган савдо маркази, жаннат ороли (Paradise Island), усти ёпиқ аквапарк, иккита университет, иккита беш юлдузли халқаро тоифадаги меҳмонхона, кичик ва йирик типдаги конференц заллар, офислар ҳамда йирик мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган муз спорти саройи жойлашган.

Японялик дизайнерлар лойиҳалаштирган ёпиқ аквапарк ўзига хослиги билан дунёда ягона ҳисобланади. Аквапарк-нинг чор тарафи светадиод чироқлар, яъни LED тасвир тизими билан жиҳозланган бўлиб, сунъий пляж дам олувчилари худди қуёш ботаётган ё чиқаётгандек ҳолатни кўриши, денгиз шабадаси тасаввурини берувчи "Трумен шоу" эффектидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Бу ерга ташриф буюрган маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар дунёдаги энг сўнгги ахборот технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга. Юқори тезликдаги WI-FI Интернет орқали ҳар бир сайёҳ ўзи тушган суратлар, видео ва аудио форматдаги ёзувларини ижтимоий тармоқларга бепул жойлаб боришлари ҳамда онлайн тасвир орқали ўз яқинлари билан мулоқот қилишлари учун барча шароит муҳайё.

Сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида бу ерда доимий равишда хитойлик моҳир ошпазлар экзотик ва маҳаллий таомлар тайёрлайди. Бундан ташқари, ҳинд, француз, Европа таомларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Иншоот, шунингдек, дунёда ягона ҳисобланган IMAX кинотеатри билан ҳам ажралиб туради. Канаданинг IMAX компанияси жиҳозлаган кинотеатрнинг ўзига хослиги — томоша экрани баландлиги 5 қаватли уйга тенг, эни эса 30 метрдан ошади. Юқори тиниқлик, UHD форматидаги фильмлар намойишига мўлжалланган ушбу кинотеатрда Голливуд, хитойлик кино ижодкорлар ҳамда жаҳон киносининг энг яхши фильмлари тақдимотлари ўтказилади. Шунингдек, ушбу кинотеатрда миллий рақс ва театр томошалари, турли мусиқа кечалари ташкил этилади. Бу ерда жойлашган муҳташам музей ва кўргазмалар зали ўз бағрига 1800 томошабинни сиғдира олади.

"Янги аср" глобал маркази бугун нафақат Ченду шаҳри, балки Хитойнинг ташриф қоғозига айланди, десак муболаға бўлмайди. Бунинг боиси мазкур иншоотда турли-туман кўргазмалар, халқаро ярмаркалар, маданий-маърифий кечалар ташкил этилиши учун барча имконият яратилганлигидадир.

Акбар ЖИЯНОВ,
журналист

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Кучли жала сув тошқинига сабаб бўлди

АҚШнинг Луизиана штатида юз берган сув тошқини оқибатида 7 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган.

Штатнинг баъзи туманларида сув сатҳи пасайган бўлса, айримларида кўтарилган. Шу туфайли, штат губернатори Жон Эдвардс аҳолини "хотиржамликка берилмасликка, ҳаво яхшиланган тақдирда ҳам шаҳар ташқарисига сайрга чиқмаслик"ка чақирди.

Штат губернатори тошқинлар оқибатида уч киши ҳалок бўлганини тасдиқлади. Бунда гап кучли сув оқими остида қолган автомобиль ҳайдовчилари ҳақида бормоқда. Яна бир киши бедарак йўқолгани айтилмоқда. Губернатор штатда фавқулодда ҳолат режимини жорий қилди ва у 10 сентябрга қадар амал қилади.

Эслатиб ўтамиз: сув тошқинлари АҚШ жанубида 11 августдан буён тўхтовсиз ёғаётган жала оқибатида юзага келди: кўплаб аҳоли пунктларида кўчалар, уй ва дўконларнинг пастки қаватлари, машиналар сув остида қолди.

Роботлар рекорд ўрнатди

Хитойнинг Шаньдун вилоятида ўтказилган фестивалда "Гиннеснинг рекордлар китоби" вакиллари янги рекордни қайд этишди: 1007 робот 60 сония ичида фақат бир смартфон бошқарувида рақса тушди, дейилади "lenta.ru"сайтида.

Бўйи 43,8 сантиметр бўлган роботлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди, бироқ улардан баъзилари босимга дош беролмади — айримлари йиқилиб тушди, баъзилари эса умуман оммавий рақсни ижро этишдан бош тортди. Бироқ бу "Ever Win Company & Ltd" компаниясига рекорд натижани қайд этиши учун етарли бўлди. Бундан аввалги рекордни ҳам шу йили Хитойдаги "Ubtech Robotics Corp" компанияси ўрнатган эди. Ўшанда 540 робот ва 29 дрон 2,5 дақиқа ичида хитойликларни маҳаллий тақвим бўйича кириб келган Янги йил билан синхрон тарзда табриклаган эди.

Кутилмаган ўра

Австралиянинг Квинсленд штатида жойлашган Ипсвич шаҳридаги кекса жуфтлик яшайдиган уйнинг орқа томонидаги ернинг бир қисми ўпирилиши оқибатида ичи сувга тўлган ўра ҳосил бўлди, дейилади "nat-geo.ru" тарқатган хабарда.

Ўрани биринчи бўлиб қўшнилар пайқаб қолган ва бу ҳақда уй эгасига

хабар қилган. Уй эгаси коммуникация хизмати ходимларини чақиргунига қадар ўра янада кенгайиб, эни 8, чуқурлиги олти метрга етди. Кекса жуфтлик вақтинчалик меҳмонхонага кўчирилди. Ҳодиса сабабларини ўрганган экспертлар бу ерда сув қувурининг ёрилгани ҳақидаги тахминни рад этди. Бироқ бир пайтлар мазкур ҳудудда конлар бўлгани, ҳодиса сабаблари шу билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

25 йилдан буён мазкур уйда истиқомат қилиб келаётган Маккейлар оиласи 2011 йилда ҳам сув тошқинидан азият чекан эди.

Ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка фойда

АҚШда истиқомат қилувчи ҳинд миллиардери Манож Бхаргава электр гибридли велосипедни кашф этди. Унинг ёрдамида уйни электр қуввати билан таъминлаш мумкин, деб ёзади "adme.ru".

Аксарият одамлар электр қувватининг қиммат туриши ва машғулотларга вақт ажрата олишмаётганликларидан нолийди. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган мазкур икки муаммони бир вақтнинг ўзида ҳал этишнинг иложи топилди. Велотренажёрга ўтирган киши унинг педалини айлантиришни бошласа, генераторни

ҳаракатга келтирувчи қурилма ишга тушади ва аккумулятор қувватланади. Бир соатли ана шундай машқ уй хўжалигини 24 соат давомида электр қуввати билан таъминлай олади. Бир вақтнинг ўзида танадаги кераксиз ёғлардан ҳам халос бўлиш мумкин.

Ихтирочи мазкур ноёб кашфиёти орқали бугунги кунда турли сабаблар туфайли электр қувватидан баҳраманд бўла олмаётган миллионлаб одамларга ёрдам кўрсатишни мақсад қилган. У Ҳиндистонда ўз ҳисобидан 10 минг дона ана шундай велосипед ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

MILLIY TIKLANISH
32(404) 2016 йил 17 август, чоршанба

Ҳунарманд

Мафтункор чизгилар устаси

Халқимиз қадимдан сопол буюмлардан кенг фойдаланган. Буни музейларимизда сақланаётган экспонатлар ҳам яққол тасдиқлайди. Истиқлол шарофати билан бу бебаҳо миллий ҳунармандчилик тури қайта тикланди, сайқал топди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони асосида ҳунармандларга қатор имтиёз ва енгилликлар берилди, кулолчилик санъатининг янада кенг қулоч ёйишига имкон яратди.

Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвон саройида Бадиий академия аъзоси, рассом ва кулол Римма Газалиеванинг "Мафтункор чизгилар" номли шахсий кўргазмасини кузатиб, ҳунарманд ижоди билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди.

...Римма опани "Муножот" куйини тинглаб, ижод қилаётган пайтида учратдик.

— Болалигим Наманганнинг сўлим қишлоқларидан бирида ўтган, — дейди Римма Газалиева. — Ёшлигимдан миллий мумтоз куйларни тинглаб, ижод қилишни ёқтираман. Расм чизиш — энг севимли машғулотим. Қизиқишимни сезган онам мени Беньков номидаги рассомчилик билим юртига олиб келди. Бу масканда мен тасвирий санъатни қайта кашф қилдим. Айниқса, чинни буюмларга расм солиш ҳаётим мазмунига айланди. Шундан сўнг таҳсилни ҳозирги Санъат ва маданият институтида кулолчилик йўналишида давом эттирдим. Ўқиш жараёнида кулолчилик тарихи, унинг ўзига хослиги, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент кулолчилик мактабларининг сир-асрорлари билан яқиндан танишдим. Бундан ўттиз йиллар муқаддам санъат йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг битирув малакавий ишлари бўйича танлов эълон қилинди. Унда иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлдим. Диплом ишим қадимий ва бетакрор Тошкентга бағишланган лаганлар тўпламидан иборат бўлиб, сграфито техникасида ишланган эди.

Иш фаолиятим Қувасой чинни заводида бош рассомликдан бошланган. Эрмитаж музейининг захира экспонатлари билан ишлаш бўлимида амалиёт ўтганман. Музейда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган чинни ва сопол буюмлар билан яқиндан танишиш асосида ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамайдиган буюмлар яратишни мақсад қилдим. Мустақилликнинг илк йилларида турмуш ўртоғим билан шахсий устахона очдик. Чунки у киши ҳам шу соҳа вакили. У ясаган уй-рўзғор буюмларига мен расм сола бошладим. Агар эътибор қаратган бўлсангиз, аввалари чинни идишларга фақат пахта гули туширилар эди. Мен шу аснода миллатимизга хос, бир хилликдан йироқ шакллар излай бошладим. Вақти келиб орзуим ушалди: чинни буюмлар ва идишларга миллий нақшлар асосида атлас, адрас, сўзана нусхаларини туширишга қарор қилдим. Бу харидорларга жуда манзур бўлди: талаб, таклиф ошди. Чинни тўпламларимни ҳар йили Японияга жўнатамиз. Бундан ташқари Канада, Франция, Нидерландияда ҳам мижозларимиз бор...

Ижодкор устахонаси деворларига осилган турли ўлчамдаги лаганлар, токчалардаги бежирим чойнак-пиёлалар, шохларини эгиб турган бодомнинг майда гуллари ва қуёшдан юзини беркитиб турган лолани кўриб ҳайратингиз ошади. Уларнинг яратилиш жараёни билан қизиқдик.

— Ўзимга ҳам, ишимга ҳам ниҳоятда талабчанман, — дейди ижодкор. — Мижозларим олдида уялиб қолмаслигим керак. Қолаверса, уларни тайёрлаш жараёни ҳам осон эмас. Битта пиёлани тайёрлаш учун аввал унга расм солиш, кейин 80 даража иссиқликда пишириш ва етти соат қуритиш талаб этилади. Бу иш билан гарчи ҳар куни шуғулланса-да, лекин ҳар гал энди иш бошлаётган ижодкор сингари ҳаяжон босади. Унга бор меҳримни

сарфлашга интиламан. Кўпинча мендан лаган ювилганда бўёқлари ўчиб кетмайдими, деб сўрашади. Йўқ, чунки бу бўёқлар экологик тоза бўлиб, уни ҳар қанақа кимёвий модда билан ювса ҳам ранги ўчмайди. Юртимизга келган сайёҳлар атлас расми солинган чинни идишларга ҳавас билан қарайди ва харид қилади. Шунда бошқа мамлакат ва миллат хонадонига ҳам миллий маҳсулотларимиз кириб бораётганидан беихтиёр ғурурланаман.

Яна бир қувончим — фарзандларимиз ҳам шу ҳунарга меҳр қўйишди. Демак, санъатимиз, ижодимиз авлодларимиз тимсолида давом этади...

Римма Газалиеванинг чинниларга кўчган гуллари, айниқса, атлас, адрас, сўзана ва анор шаклидаги нақшлари ҳар қандай кишини мафтун этади. "Ошхона тўплами", "Тонг", "График ишлар", "Атлас идишлар" номли тўпламлари энг сара ижод намуналаридир. Чинни идишлардаги лола, атиргул, қалампир нусхалари, кашта гуллари, майсалар, оқаётган сув бетакрорлиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Рассом республика ва халқаро кўргазмалар, хусусан, ҳар йили ўтказиладиган Наврўз ва Мустақиллик байрамига бағишланган фестивалларнинг фаол иштирокчиси. Унинг кўплаб лаган ва чинни идишлар тўплами Франция, Германия, Англия, Чехия, Польша, Австрия, Италия, Греция, Хитой, Россия, Япония, Австралия, Ҳиндистон, АҚШ каби давлатларда шахсий коллекциялардан ўрин олган. Қаҳрамонимизнинг илк шахсий кўргазмаси 2004 йил Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган. "Мафтункор чизгилар" эса ижодкорнинг иккинчи шахсий кўргазмаси.

— Мендан ўзбек орнаментларига кўп мурожаат қилишимнинг боиси ҳақида кўп сўрашади, — дейди Р.Газалиева. — Чунки шу юртда туғилдим, шу юртда ўсдим. Шу юрт менга шундай даражага етишимга имкон берди. Мен Ўзбекистондек юртда яшаётганимдан беҳад бахтиёрман. Жаннатмонанд юртнинг тарихини, маданиятини, руҳиятини чинниларда акс эттириш ва тарғиб қилиш ҳаётим мазмуни.

Дарҳақиқат, рассом ва кулол Римма Газалиева ўз асарлари воситасида миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилмоқда. У яратган сопол буюмлар, ҳайкал ва ўйинчоқлар, чинни идишлардаги тасвирлар ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга, халқ амалий санъати ривожига хизмат қилаётир.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фольклор

Халқ дасталари

фаолияти кенгайиб, сони ортиб бормоқда

Юртимизда халқимизнинг номоддий маданий мероси, хусусан, халқ оғзаки ижоди — фольклор асарларини тўплаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури муҳим асос бўлаётир. Зеро, фольклор халқимиз турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмаларини ўзида яққол акс эттира олган ноёб бадиий санъат тури саналади.

Мухбиримиз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика маркази бўлим мудири **Ваҳобжон ЎРОЗМАТОВ** билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Мустақиллик шарофати билан фольклор-этнографик жамоалари пайдо бўлиши ва кўпайиши маънавий ҳаётимиздаги муҳим ҳодиса саналади, — дейди В. Ўрозматов. — Бойсун туманидаги "Бойсун", Ургут туманидаги "Беш қарсак", Нурота туманидаги "Нуржаҳон", Оққўрғон туманидаги "Тўрғай" фольклор-этнографик халқ жамоалари ҳатто бир қанча хорижий давлатларда ижодий сафарда бўлиб, ўзбек фольклор санъатини дунё бўйлаб тарғиб қилишга муваффақ бўлди. Бир қанча фольклор дасталари ижрочилари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Масалан, Президент фармонига биноан "Чавқи", "Сайхун йигитлари" фольклор-этнографик халқ жамоалари бадиий раҳбарлари "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Хатирчи туманидаги "Жастулек" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Нургул Бозорбоева "Дўстлик" ордени, Шовот туманидаги "Авазхон" фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари Нормат Рўзимбоев Ўзбекистон халқ бахшиси, вилоят халқ ижодиёти маркази "Оразибон" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Тозагул Шомуратова эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига муносиб кўрилди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Фольклор санъатини тадқиқ ва тарғиб қилиш мақсадида жойларда илмий-амалий анжуман, кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилда Марказимиз томонидан Хоразм вилоятида "Халфачилик: анъана ва замонавийлик" мавзусида анжуман ҳамда халфа қўшиқлари ижрочиларининг республика кўрик-танлови, Навоий вилоятида "Нурли наволар", Бухоро вилоятида "Ипак ва зираворлар" фестивалларини ўтказилди.

— Ҳар бир соҳа ривожи, энг аввало, унинг учун яратилган шарт-шароит ва имкониятга боғлиқ...

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жойларда аҳоли учун замонавий студиялар, тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, қизиқувчилар уюшмалари ташкил этиляпти, юртимизнинг чекка ҳудудларида яшаётган истеъдодли ёшлар ансамбларга жалб этилиб, уларга кенг имконият яратилаётир. Ижодий машғулот учун махсус хоналар, миллий чолғу асбоблари, Интернет-студиялар, электрон ресурслар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари ташкил этилган. Бундай шароит, ўз навбатида, ижодкорларнинг қадимий фольклор санъатимизни дунёга танитиши учун ҳам кенг имконият яратмоқда. Ушбу масканда нафақат ёшлар, балки фольклор санъатининг ташувчилари бўлган ёши улуғ юрт-

дошларимиз ҳам кўнгилли тарзда уюшиб, қадимий халқ қўшиқларини тарғиб этишда ўрнак бўлмоқда. Бугунги кунда жойлардаги марказлар қошида 387 та "Халқ ҳаваскорлик", 32 та "Намунали болалар" жамоаси фаолият олиб бормоқда.

— Фольклор санъатида, айниқса, жамоалар ва уларнинг ижрочилари танлаган либослар муҳим ўрин тутади. Шундай эмасми?

— Оммавий тадбирлар, фольклор ва анъанавий ижрочилик санъатида, дарҳақиқат, саҳна либослари муҳим аҳамиятга эга. Танланган либослар, аввало миллий руҳда, ижро этилаётган қўшиқ мазмунмоҳиятига мос бўлиши керак. Қолаверса, бунда унинг шакли, бичими, ранги, ҳатто безаклари ҳам ҳисобга олинади. Саҳна либосларида миллий элемент, бичим, мато ранги ҳамда безаклари ҳам тарихий манбаларга асосланган, ижро жанри ва услубига ҳамоҳанг тарзда танланади. Хусусан, фольклор дасталари кийимлари муайян ҳудудга хосликни ҳам ифодалайди. Одатда саҳнага чиққан фольклор жамоасининг кийимига қараб унинг қайси ҳудуддан эканлигини билиш қийин эмас. Бироқ фольклор дасталарига хос либослар билан шуғулланувчи дизайнерлар, айни пайтда, жуда камчиликни ташкил этади. Уларнинг сонини кўпайтириш соҳанинг муҳим масаласидир. Фольклор дасталари либосларидаги ҳар бир нақш, шакл ва безаклар ўзига хос мазмун-маънога эга. Бу эса дизайнерлардан ҳам иқтидор, ҳам билим, тажриба ва изланишни талаб этади.

— Фольклор қўшиқлари бугунги кунда эстрада йўналишда ҳам ижро этиляпти. Бироқ бу ҳолат халқ қўшиғининг қайси ҳудудга тегишли эканлигини ажратишда мушкуллик ҳам туғдиряпти. Шу маънода бу ижобий ҳодисами ёки ...

— Халқ ижоди доимий ҳаракат ва ўзгаришдаги бадиий санъат тури саналади. Бироқ ижрода анъаналарнинг давомийлигини сақлаш, миллий мезонларга албатта, эътибор қаратиш керак. Сўнгги пайтда миллий эстрада санъатимизда бир хилликнинг кўпайиб кетаётгани, жамоалар репертуаридаги айрим қўшиқ ва рақсларнинг бадиий жиҳатдан саёзлиги, халқимиз азалдан қўйлаб келган фольклор қўшиқларининг матнини бузиб, ўзгартириб ижро этиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, айрим эстрада хонандалари фольклор қўшиқларидан фақат нақорат сифатида фойдаланишмоқда. Бу жуда ачинарли ҳолат. "Сует хотин, сузма хотин"нинг нақорат сифатида айтилгани бунга яққол мисол бўла олади. Тўғри, айрим халқ қўшиқларини айнан айтиш бугунги кунга тўғри келмас. Аммо, унга бироз замонавий руҳ бахш этиб, қўшимча мусиқий оҳанглар жўрлигида ижро этиш мумкин-ку?! Фақат ижро этилаётган қўшиқнинг асл маъно-мазмуни ўзгармаса бўлгани. Соҳага бевосита тегишли ана шундай масалалар илмий асосда чуқур ўрганилиши, соҳа мутахассисларининг билим ва малакасини муттасил ошириш талаб этилади.

Асрлар ва авлодлар оша бизгача етиб келган халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналарини бус-бутун сақлаш, ривожлантириш, талқин ва тадқиқ этиш, кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Мухтасар айтганда, юртимизда халқимизнинг миллий қадриятларини асраб-авайлашга берилаётган алоҳида эътибор туфайли қадимий урф-одатларимиз, халқ амалий санъати, халқ оғзаки ижоди каби номоддий маданий мерос объектлари тикланиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Халқимиз ижодининг бебаҳо намуналари ёшларда ўзи туғилиб, вояга етаётган заминга муҳаббат, ибратли анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Офтобда қандай тобланиш мумкин?

Бугун баданни қорайтиришнинг бир неча усули мавжуд. Энг кенг тарқалгани — қуёшнинг ультрабинафша нурлари ёки сунъий ёруғлик манбаи (кварц лампаси) таъсирида танани қорайтиришдир. Бундан ташқари, турли малҳам ва бошқа замонавий воситалар ёрдамида терини қорайтириш кенг оммалашди. Офтоб тиғи таъсирида бадан териси тик ва қайтган қуёш нурлари (яъни тент, соябон тагида) таъсирида табиий равишда қораяди. Баъзан соя-да турса ҳам бадан сал қорайиши мумкин.

Офтобда тобланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим. Бадан қуёш нури остида дастлаб 5-10 дақиқадан узоқ турмаслиги керак. Овқатланган сўнг камида бир соат ўтгач, офтобда тобланиш мақсадга мувофиқ (наҳорда ёки бевосита овқат ейиш олдидан тобланиш ярамайди). Қуёшда тобланаётганда кўзойнак ва бошни офтобдан сақлаш учун бош кийим кийиш лозим. Кун қизиган пайтда (соат 11 дан кейин) офтоб тиғида ухлаш мумкин эмас. Бадан териси бир текисда қорайиши учун терига ёнғоқ, чиннигул ёки бошқа ўсимлик мойини суриш тавсия этилади.

Ҳомиладор аёлларга офтобда тобланиш тақиқланган. Қуёшда тобланаётганда юз териси қорайиб кетмаслиги учун ёз ойларида эрталаб ва кундузи ҳимоя кремларидан фойдаланиш тавсия этилади. Тобланиш жараёнида керакли қоидаларга ўз вақтида амал қилинмаса, қуёш таъсиридан сўнг терида дерматит (тери ялиғланиши) пайдо бўлиши, организмнинг иссиқлаб кетиши, офтоб уриши мумкин. Қуёш нури таъсирида пайдо бўладиган дерматитда кўпинча баданнинг тегишли жойидаги терининг қизариб кетиши ва сал шишиб чиқиши кузатилади. Бундай ҳолда офтобда тобланишни тўхтатиш, терининг зарарланган жойларини қуёш нури таъсиридан пана қилиш, шунингдек, унга совуқ компресс қўйиш, куйган жойларга шиш, ачишишни бартараф этиш учун тирноқгул мойи суриш керак бўлади. Бундай дерматит оқибатида терида турли қаварикдар пайдо бўлса, зудлик билан дерматолог шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Унутманг: баданни қорайтириш ҳамма учун ва ҳар доим ҳам фойдали эмас. Ҳар бир организм ўзига хос бўлиб, офтоб нури баъзи кишиларга салбий таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, кексалар, икки ёшгача бўлган болалар, шунингдек, сурункали ўпка, асаб ва юрак қон-томир касалликлари билан оғриган кишиларга офтобда узоқ туриш ярамайди.

Офтоб нурларига нисбатан организмда ўта сезувчанликнинг ошиб кетиши ҳоллари ҳам учраб туради. Бу, айниқса, альбиносслар, яъни бутун баданидан тортиб, қош ва сочларига қадар оппоқ рангда бўлган кишиларга хос ҳолатдир. Бундай кишиларда озгина қуёш таъсирида ҳам терида дерматит пайдо бўлиши, касаллик бирмунча оғир ўтиши мумкин. Қуёш нурларига ўта сезгир кишилар офтоб қиздирган паллада кўчага чиқишдан аввал баданининг очиқ жойларига ҳимояловчи кремлар суртиш, кўчанинг соя томонидан юриши лозим. Қолаверса, баҳор ва ёз пайтларида иссиқ ўлкаларда дам олиши мумкин эмас.

БИЛАСИЗМИ?

- Кит юраги бир дақиқада атиги 9 марта уради.
- Саккизоёқнинг юраги учта. Улардан бири қонни жониворнинг бутун танаси, иккитаси эса жабралар орқали ҳайдайди.

ТУРФА ОЛАМ

Дунёдаги энг катта гидросамолёт

Хитойда дунёдаги энг катта амфибия-самолёт — AG 600нинг қурилиши муваффақиятли якунланди.

Самолётдан сувда қутқарув ишларини амалга ошириш ва ўрмон ёнғинларига қарши курашишда фойдаланиш мўлжалланмоқда. Гидросамолёт ўлчамлари бўйича Boeing-737га яқин. Унинг узунлиги — 37, қанотлари қулочи — 38 метр. Аввал дунёдаги энг катта гидросамолёт ҳисобланган Россиянинг "БЕ-200" самолёти ўз ўлчамлари бўйича янги самолётдан бирмунча ортда

қолади: унинг қанотлари қулочи 32,78, узунлиги 32,05 метр. Хитой самолётида 4 замонавий турбовинтли WJ-6 двигатели ўрнатилган. У ўз бортига 20 сонияда 12 тонна сув олишга, оддий аэродромдан ва сув сатҳидан учиб-қўнишга қодир. Самолётнинг максимал учиш оғирлиги 53,5 тоннани, максимал учиш узоқлиги 4,5 минг километрни ташкил қилади.

Самолётни яратиш устида Хитойнинг "AVIC" давлат авиасозлик компанияси иш олиб борди. Самолёт Хитойнинг жанубидаги Чжухай шаҳрида жойлашган цехларда бунёд этилди. Ўтган шанба куни самолётни қуриш ишлари якунига етгани муносабати билан тантана бўлиб ўтди.

Самолёт ҳозирча фақат ички бозорга мўлжалланган бўлиб, корхона айни пайтда 17 самолёт учун буюртма олишга улгурди. Самолётнинг илк парвози жорий йилнинг охирига белгиланган.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

Жиззах давлат педагогика институти томонидан Иргашева Санобар Минаваровна номига 2008 йил 16 июнда берилган №405917 рақамли бакалавр диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони жамоаси жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис Ғайрат Саттаровга отаси **Жаҳонгир САТТОРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши партиядан халқ депутатлари Бўка туман Кенгашига сайланган депутат **Бахтигул ХОЛБОЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 825, Адади — 5068. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.50.
ЎзА якуни — 20.50.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345